

Xabar

7
(908)-son

12-fevral

www.xabar.uz
info@xabar.uz
xabar@uzpak.uz

2010


O'ZBEKISTON ALOQA VA AXBOROTLASHTIRISH AGENTLIGI NASHRI

1992-yil martdan chiqqan boshlagan

Инвестиция

Бугун ички ёки тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб килмасдан туриб бирор бир соҳани замон талаблари даражасида ривожлантириб бўлмайди. Айниқса, бу кундан-кунга катта ўзгаришларга юз тутаётган алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси учун жуда муҳимдир. Хўш, инвестиция нима ўзи? Инвестиция бу — саноат, кишлоқ хўжалиги, транспорт ва бошқа тармоқларга модернизация ва ривожлантириш максаллари учун узок муддатли маблағ сифатида сарфланадиган харажатлар йиғиндисидир. Инвестиция дастурлари инвестиция сиёсати орқали амалга оширилади. Айтиш мумкин-ки, республикада инвестиция сиёсатини юритиш учун тўла ҳукукий асослар яратилган.

5-бет



СОЛИҚ СОХАСИДА ИНТЕРАКТИВ ХИЗМАТЛАР

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 23 августдаги “Давлат хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда юридик ва жисмоний шахслар билан ўзаро ҳамкорлигини янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори бўйича солиқ идораларига юклатилган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида давлат солиқ қўмитаси томонидан

- электрон солиқ ҳисоботини қабул қилиш ва қайта ишлаш, электрон солиқ ҳисоботини жўнатиш;

- солиқ тўловчининг сўровига кўра, бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармалар билан ўзаро ҳисоб-китоблар тўғрисида ахборотлар тақдим этиш;

- солиқ тўловчининг сўровига кўра назорат органларининг тегишли давр учун хўжалик юритувчи субъектларни текшириш режа жадвалидан кўчирма бериш хизматлари йўлга қўйилган.

— Ушбу йил давомида 592та корхонадан 2425та ҳисобот электрон кўринишда қабул қилинди, — дейди Фарғона вилоят давлат солиқ бошқармаси ахборот тизимлари бўлими бошлиғи Исмоилжон Саидов. — Вилоятдаги корхона ва ташкилотлардан 1959таси электрон имзо қалитини олган. Солиқ тўловчилар бу катта қулайликдан мамнун.

Бошқармада интерактив хизматларни фаолиятга янада кенгроқ татбиқ этиш бўйича қатор ишлар олиб боришмоқда.

Ҳафиза САЛҲОВА,
“Хабар”нинг

Фарғона вилоятидаги мухбири

Сўнгги янгилик!



Алоқа оламида:

ABI Research компаниясининг маълумот беришича, 2014 йилда кенг полосали интернетдан фойдаланувчилар сони 501 миллионга етади, фойдаланувчиларнинг 106 миллион нафари бу хизматга оптик толали тармоқ (FTTx) орқали уланади.

DSL технологияси кенг полосали улашнинг энг оммалашган технологияси мақомини сақлаб қолади — ҳозир у орқали 65 фоиз фойдаланувчи интернетга боғланган.

Оптик толали кенг полосали улашнинг энг юқори даражаси Жанубий Корея ва Япония етакчи бўлган Осиё-Тинч океани минтақасида (жами фойдаланувчиларнинг 84 фоизи) кузатилган. Иккинчи ўринда Шимолий Америка. Операторлар орасида 12 миллион абонентга хизмат кўрсатувчи NTT энг йирик компания сифатида эътироф этилган.

Фарбий Европада 2009 йил якунларига кўра, фақат 2 миллионга фойдаланувчи FTTx-тармоққа уланганлиги маълум қилинган.

Ушбу сонда:

■ Ҳайъат йиғилишида	2
■ Провайдерлардан янгиликлар	3
■ Семинар для хокимов	6
■ «Рақамли» тиббиёт	11
■ Билимингизни синаб кўринг	16

Теледастурлар, спорт, кроссвордлар

ИНТЕРНЕТ ҲАМКОРИМИЗ

Uz Net
Internet Service Provider

— сифат рамзидир

Umadan umagacha

Республикада Алишер Навоийнинг таълим ва маданият кенг кенг тарқалган. 9 феврал куни пойтахтимиздаги Алишер Навоий номи билан аталувчи Миллий боғда шоир ҳайкаlining пойига гулчамбар қўйиш маросими бўлиб ўтди. Тадбирда давлат арбоблари, олимлар, халқаро ташкилотлар вакиллари, шоир ва ёзувчилар, адабиёт, санъат, маданият соҳаси вакиллари, талаба-ёшлар ва бошқа қўлаб шеърят ихлосмандлари қатнашди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) ҳузуридаги Инсоннинг конституций ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этилиши бўйича комиссия йиғилиши ўтказилди. Йиғилишда парламент Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний мафлаатларини таъминлаш соҳасида амалга ошириши лозим бўлган устувор вазифалари белгиланган.

Жойларда 2009 йил якуни ва 2010 йилда ҳудудларини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишлари бағишланган фаоллар йиғилишлари бўлиб ўтмоқда. Тошкент вилояти фаоллари йиғилишида асосий эътибор Президентимиз Исрол Каримовнинг жорий йил 29 январ куни 2009 йилнинг асосий якуни ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишлари бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида белгиланган вазифалар ижросига қаратилди.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро маркази билан ҳамкорликда миллий ва халқаро журналистиканинг энг юксак ютуқларини кенг омдалаштириш, ОАВ ходимлари фуқаролик позициясини намоён этишлари учун шароит яратиш ҳамда журналистларда танқидий фикрлашни ва ижодий фаолиятга янгича ёндашувларни шакллантириш мақсадида "Олтин қалам" V Миллий мукофоти учун навбатдаги халқаро танловни эълон қилди.

Ўзбекистон Халқ таълими вазирлигида маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш масалаларига бағишланган кўргазмали семинар ташкил этилди. Семинар иштирокчилари тадбир доирасида пойтахтимиздаги "Бунёд Зиё" нодавлат таълим муассасаси ҳамда Собир Раҳимов туманидаги 243-мактабда йўлга қўйилган ижобий тажрибалар билан яқиндан танишдилар.

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг 2009 йил якунига бағишланган кенгайтирилган Хайъат йиғилиши бўлиб ўтди. Мажлис видеоселектор оркали вилоятларга, аудиселектор оркали туманларга узатилди. Йиғилишни Агентлик Бош директори, Хайъат раиси Х.Мухитдинов бошқарди ҳамда кун тартибидagi бош масала – "2009 йилда алоқа соҳаси корхоналарини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якуни ва 2010 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари тўғрисида" маъруза қилди.

Натижалар яхши. Имкониятлар ундан-да яхши

улардан самарали фойдаланиш зарур

Маърузачи 2009 йилда амалга оширилган ишлар, асосий кўрсаткичларни батафсил таҳлил қилди ҳамда 2010 йилда бажарилиши лозим бўлган муҳим вазифаларга тўхтади.

Соҳа корхоналари 2009 йилни ижобий натижалар билан якунлади. Ўтган йил якунига кўра, алоқа ва ахборотлаштириш соҳасидаги корхоналар томонидан 1 трлн. 742,5 млрд. сўмлик хизматлар кўрсатилган. 2008 йилга нисбатан кўрсатилган алоқа хизматларининг ҳажми – шаҳарлараро ва халқаро телефон сўзлашувлари 4,8 фоизга, ёзма хат-хабарлар 3,2, жўнатмалар 1,0, пул ўтказмалари 5,8 фоизга ўсди. Соҳа корхоналари томонидан иқтисодий инкирозга қарши дастурда белгиланган тадбирларнинг бажарилиши бўйича амалга оширилган ишлар натижасида ҳисобот даврида 6,2 млрд. сўм маблағ иқтисод қилинди.

Хозирда республикада бўйича телефон станцияларининг монтаж сифими 2 млн. 095 минг рақамни, рақамлаштириш даражаси 92,3 фоизни ташкил этади. Асосий телефонлар сони 19,4 мингтага ортди ва 2010 йилнинг 1 январ ҳолатига 1 млн. 859 минг донага етди.

Ўтган йили Қашқадарь вилоятининг шимолий ҳудудларида 1 кВт кучга эга бўлган телеузагич ҳамда Самарқанд РТУмга қарашли Чўпонота станциясида 500 Ваттга эга бўлган FM радиоузагич ўрнатилиб, ишга туширилди.

Кўшимча даромадларни кўпайтириш мақсадида вилоятларда 14 кабел

телевидение тизимлари ташкил қилинди. Шу билан бирга, ўтган йили магистрал ва халқаро алоқа линияларида қўриқлаш ишлари етарли даражада олиб борилмаганлиги сабабли уч марта узилиш содир бўлди ва Халқаро пакетли коммутация маркази ишида тўхташ кузатилди.

2009 йилнинг 1 октябридан Ҳукумат порталининг янги кўриниши www.gov.uz манзилда тўла ишга туширилди. Мактаблар, академик лицейлар, коллежлар, олий ўқув юрталарида жами 6517таси Ziyonet жамоат таълим-ахборот тармоғига уланган. "UZ" зонасида рўйхатга олинган доменлар сони 10 000 дан ошди. Давлат ахборот ресурсларининг сони 187тага, интерфаол давлат хизматлари тури эса 94тага етди. Шунга қарамай, АКТ негизда янги замонавий хизматларни ривожлантириш ишлари жуда суз бормоқда, интерфаол хизматларнинг жорий этилиши етарли даражада эмас. "UZINFOM" маркази томонидан яратилган "Маълумотлар маркази" (Дата Центр)ни ривожлантириш бўйича шу кунга қадар чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилмаган. "UTUB.UZ" (видео-аудио) замонавий маълумотлар серверини тўлдирish ишлари амалга оширилмаган.

Давлат статистика кўмитасининг маълумотлари бўйича дастурий маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхона ва ташкилотлар сони 2010 йил 1 январ ҳолатига 225тани ташкил қилди. Ўтган йили Ёш дастурчиларни тайёрлаш ва қўллаб-қувватлаш маркази

зида АКТ йўналишида 640 нафар тингловчи таҳсил олди. Марказ томонидан "KaDaTa" дастурий маҳсулотининг янгиланган шакли ишлаб чиқилган бўлиб, ушбу дастур Республика ахборот-кутубхона маркази ва 12та вилоят АКМларида, Республика илмий педагогика кутубхонаси, Бухоро тиббиёт университетининг ахборот-ресурслари марказида ва Тошкент давлат иқтисо-

диёт университетида ўрнатилди.

Электрон рақамли имзо қалитларини рўйхатга олиш марказлари томонидан берилган қалитлар ва сертификатларнинг умумий сони 2009 йилда 50399тани ташкил қилди.

Ўтган йили Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили Давлат дастури доирасида республикада 200дан ортиқ қишлоқ аҳоли масканларида 20та кўчма алоқа бўлими ташкил этилди. Почта корхоналарида тўловларни қабул қилишнинг автоматлаштирилган тизими ташкил этилган бўлиб, ушбу тизим 190та почта объектларида жорий қилинган. Хозирги кунда 374та (101 таси қишлоқ жойларда) алоқа бўлими компьютерлаштирилган бўлса, улардан 150таси "Ўзбектелеком" АКнинг билинг тизимига уланган. Почта алоқаси объектларида 44та интернет-кафе фаолият юритмоқда.

Почта тизимида пенсия ва ўтказма пул маблағларини ўзлаштириш ҳолатлари ҳамон содир бўлмоқда. Даврий нашрларни тарқатиш, матбуот дўконларининг дизайни, уларнинг жиҳозланишида ҳам ўзгаришлар унчалик кўринмаяпти.

2009 йилда Ахборот-кутубхона марказлари (АКМ) фондлари 19095 нусхадаги адабиётга ошган ҳамда уларнинг умумий фонди 4911648 нусхани ташкил ташкил этди. Барча АКМлар томонидан аҳолига 15 турда пулик хизматлар кўрсатилмоқда.

Соҳа корхоналари томонидан кўрсатилаётган хизматлар сифати бўйича аҳолидан 9178та мурожаат тушган. Телекоммуникация тармоғи бўйича 882та шикоят асосли бўлиб, 9,7 фоизга камаятган, почта тармоғи бўйича 52та шикоят асосли бўлиб, ўтган йилга нисбатан 36,8 фоизга кўпайган.

Йиғилишда соҳа раҳбари тизимни ривожлантириш учун улкан имкониятлар мавжудлигини, улардан самарали фойдаланиш зарурлигини алоҳида таъкидлади.

Муҳокамаларда "Ўзбектелеком" АК бош директори Ш.Содиқов, "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ бош директори Р.Қосимов, Давлат алоқа инспекцияси бошлиғи Ш.Атамухамедов, Республика ахборот-кутубхона маркази директори А.Ишматов, "TELMAX ELEKTRONIKS" ИЧК МЧЖ бош директори С.Фахрудинновлар сўзга чиқиди.

Хайъатда кўрилган масалалар бўйича тегишли қарор қабул қилинди.

2010 йилги вазифалар:

- Алоқа тармоғини ривожлантириш, модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш йўлида олиб борилаётган ишларни давом эттириш;
- 2010 йил Инвестиция дастурига киритилган лойиҳаларнинг бажарилишини таъминлаш;
- замонавий тармоқни ривожлантиришга йўналтирилган стратегик жиҳатдан аҳамиятли лойиҳаларни амалга ошириш учун маблағларни жалб этиш бўйича ишларни олиб бориш;
- Баркамол авлод йили дастурида белгиланган вазифаларнинг тўлиқ бажарилишини таъминлаш;
- 2010 йилда янги иш ўринларини ташкил этиш ҳамда касаначиликни ривожлантириш бўйича белгиланган параметрларнинг тўлиқ бажарилишини таъминлаш;
- корхоналарнинг барқарорлигини, мавжуд қарздорликни бартараф этишни таъминлаш;
- замонавий янги хизмат турларини жорий этиш;
- соҳага инновация ва янгиликларни киритиш, инновацион технологияларни ривожлантириш ишларини жадаллаштириш.

“TURON” da amaliyot

Абдулла Қодирий номидаги Тошкент давлат маданият институтининг “Кутубхона-ахборот фаолияти бошқаруви” факултети 1-босқич талабалари “TURON” ахборот-кутубхона марказидаги амалиётини унинг музейи билан танишишдан бошладилар.

— Мунавварқори Абдурашидов, Абдулла Авлоний, Абдулла Қодирий, Чўлпон, Ғулом

Зафарийлар бу илм-маърифат масканининг асосчилари эдилар, — деди кутубхона бўлим бошлиғи Дилбар Насриддинова. — Аср бошида юртимизнинг илк маърифатпарварлари ўз шахсий ҳисобларидан пул ажратиб, мазкур маърифат гўшасига асос солганлар.

“TURON” ахборот-кутубхона марказининг директор ўринбосари Алла Валиулина ўзбек ва

рус тилида машғулотлар олиб борадиган талабаларга китобхон билан муомала қилиш ҳақида гапириб берди.

Бўлғуси кутубхоначилар “TURON” ахборот-кутубхона марказининг Баркамол авлод йили муносабати билан тайёрланган тадбирлар режаси билан ҳам танишдилар.

Давронбек РАЖАБОВ

QILMISH-QIDIRMISH

Ўрокда йўк, машокда йўк...



божхоначилар тегишли ҳужжатлари бўлмаган, турли кино ва концертлар ёзилган мазкур дискларни ўз вақтида тўхтатиб қолишди.

“Тошкент-Бухоро” йўналишидаги автобусни божхона назоратидан ўтказган самарқандлик божхоначилар ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар вакиллари йўловчилардан бири С.Баротовнинг ноқонуний равишда олиб кетаётган товарлари қаторида 3 хилдаги 175 дона дискларни ҳам мусодара қилишди.

Навоийлик божхоначилар эса фуқаро А.Юсуповни турли фильмлар ёзилган ва тегишли ҳужжатлари бўлмаган 200 дона DVD форматдаги дискларни пуллаётган пайтида фош этишди.

Тошкент шаҳар божхона бошқармаси ходимлари фуқаро Н.Мадиёровнинг ҳам қилмишларига нуқта қўйишди. Қонунбузар турли кино ва концертлар ёзилган 546 дона дискларга тегишли биронта ҳам ҳужжатни божхоначиларга тақдим қила олмади.

Шунингдек, иқтисодий хавфсизлик ҳимоячилари фильмлар, концертлар, клиплар ва бошқа материалларни кўпайтиришда асқотадиган техникаларнинг ноқонуний олиб ўтилишига қарши чора-тадбирларни ҳам олиб боришмоқда.

Сурхонадарё вилояти божхоначилари ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар вакиллари ҳамкорликда республикамиз ҳудудидан транзит тариқасида ўтаётган “Мерседес Бенц” русумли юк автомашинасини белгиланган тартибда божхона назоратидан ўтказишди. Натижада, контейнерда божхона юк баённомаларида қайд этилмаган салкам 3,5 млн. сўмлик маҳсулотлар, шу жумладан компьютер тўғлами, 7та видео камера, 45та фотоаппарат ва 1та DVD-плеер яширинча олиб ўтилаётганлиги маълум бўлди.

Жиззахлик божхоначилар ҳам ноқонуний олиб ўтилаётган DVD-плеерларнинг йирик туркумини тўхтатиб қолишди. Ғаллаорол тумани ҳудудида “Сетра” русумли автобус божхона назоратидан ўтказилганда, йўловчи — самарқандлик Н.Юсуповнинг қиймати 4 млн. сўмдан ортиқ 114та DVD-плеерни тегишли ҳужжатларсиз яширин равишда олиб кетаётганлиги фош этилди.

Хусен ТАНГРИЕВ,

Давлат божхона қўмитаси матбуот хизмати инспектори

MP3.UZ САЙТИ «eKarmon» ТИЗИМИГА УЛАНДИ

Интернет технологиялари ва электрон тўлов тизимлари мусиқа шинавандаларига янги қулайликларни тақдим этди. Эндиликда муҳлис ўзи истаган мусиқани тинглаши учун нафақат дўконларни айланиб мусиқий дискларни харид қилиши, балки Mp3.uz лойиҳаси орқали истаган мусиқасини ва ёқтирган хонанданинг тўлиқ албомини уйдан чиқмасдан сотиб олиш имконига эга бўлди.

Ўзбекистонда биринчи мартаба Mp3.uz лойиҳаси ўзбек эстрадаси хонандалари концертлари, видеоклиплари ҳамда кўшиқлари электрон нусхаларини «eKarmon» тизими орқали сотишни бошлади. Mp3.uz лойиҳаси мусиқалар тўплами тез-тез янгиланиб тўради ва барча ёшдаги мусиқа шинавандалари учун мўлжалланган. Сайтда ретро ҳамда замонавий ўзбек поп-мусиқаларини топишингиз мумкин.

ПРОВАЙДЕРЛАРДАН ЯНГИЛИКЛАР

UzNET. Онлайн ўйинлари қизиқувлари учун “Ўзбектелеком”нинг компьютер ўйинлари портали (<http://games.uznet.net/>) ишга туширилмоқда. Ҳозирданок ўшбу порталда синов тартибда ўйинларни ўйнаш мумкин.

EAST TELECOM. Компания ўз абонентларига феврал ойидан бошлаб янги қўшимча хизмат турлари жорий қилинганини эълон қилди. Ўшбу хизматлар тўғрисида <http://easttelecom.uz> сайтида батафсил маълумот оласиз.

Arsenal D. 1 февралдан хостинг ва доменларни рўйхатдан ўтказиш хизматлари бўйича ўз тариф режалари спектрини кенгайтди. Батафсилроқ <http://arsenal-d.uz> сайтида.

EVO. Симиз интернет хизматларини кўрсатиб келаётган мазкур компания (<http://evo.uz>) яна бир муҳим янгиликка қўл урди. Мижозлар учун мобил Wimax технологияси асосидаги тезлиги 2 Мбит/с.гача бўлган тарифлар жорий этилди.

REYTING

«UZ» ҳудудида домен номларини расмий рўйхатдан ўтказувчилар кўрсаткичлари *

Рўйхатдан ўтказувчи	Фаол доменлар	Фаоллаштирилиши кутилаётган доменлар
«UZ» домени бўйича (жами)	9 830	144
Tomas	3 804	22
BILLUR.COM	2 498	27
Arsenal-D	1 423	80
Sarkor Telecom	989	10
BCC	709	3
Simus	131	1
TV-Inform	87	1

* 10.02.2010 санаси маълумотида кўра.

MUHIМ SANA

10 феврал — Тошкент темир йўли қошидаги почтамакта Халқаро мақом берилган кун

XX аср бошларида Тошкент темирйўли станциясида халқаро почта жўнатмаларини айирбошлаш хизмати ташкил этилган. Кейинчалик бу хизмат Тошкент темирйўли қошидаги почтамакта деб юритилган.

1993 йил 10 февралда тармоқ вазиригининг махсус буйруғи асосида Тошкент темирйўли қошидаги халқаро почтамакта корхонаси Ўзбекистон Республикасининг Халқаро почтамакта давлат корхонасига айлантирилди.

Ўзбекистон Республикаси 1994 йил 24 февралдан Халқаро Почта Иттифоқига тўла ҳуқуқли аъзо бўлиб киргандан кейин халқаро почта алоқалари тез суръатлар билан ўсди.

Бугунги кунда “Ўзбекистон почтаси” очик акциядорлик жамиятининг “Халқаро почтамакта” филиали жаҳоннинг 98та мамлакатини билан почта жўнатмалари алмашинувини амалга оширмоқда.

Xalqaro hayot



БАЛЛИСТИК РАКЕТА СИНОВИ

Ҳиндистон 3500 километрга учадиган Agni III баллистик ракетасини учинчи бор синовдан ўтказди. Мамлакат мудофаа вазирлиги баёнот беришича, Орисса, штатидаги полигондан бу ракета белгиланган траектория бўйлаб ҳаракат қилган. Ракетанинг 2006 йилдаги биринчи парвози муваффақиятсиз якунланган эди.

Бугунги кунда Agni III Ҳиндистондаги энг кучли ракета ҳисобланади. Ҳарбий мутахассислар ушбу ракета асосида 6000 километрга учадиган қитъалараро ракета яратиш устида изланмоқда.

БОШ ВАЗИР АХБОРОТИ

Гаити бош вазири жорий йилнинг январ ойи ўрталарида мамлакатда содир бўлган зилзила қурбонлари сони 212 минг кишига етганлиги ҳақида расмий ахборот берган. Бош вазирининг таъкидлашича, ҳаётдан кўз юмганлар сони яна ошиши мумкин.



Маълумотларга кўра, дунёни ларзага солган мазкур табиий офат оқибатида уч миллион киши жароҳатланган, 250 мингта бино вайрон бўлган. Мутахассислар Гаитини тиклашга қарийб 25 йил кетишини айтишмоқда.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан Гаити аҳолисига моддий ёрдам тариқасида 562 миллион АҚШ доллари ажратилган.

ТУНГИ КЛУБГА ХУЖУМ

Мексиканинг Синалоа штатидаги Масатлан шаҳарчасидаги тунги клублардан бирига маҳаллий наркомания вакиллари бостириб кирган ва олти кишини отиб ўлдиришган. Қурбон бўлганлардан бири клуб маъмури, иккитаси официант, уч нафари эса ҳўранда эди. Воқеа жойига полиция етиб келгунича жиноятчилар қочиб улгуришган.

Сўнгги вақтларда тунги клуб ва ресторанларга қуроли ҳужумлар уюштириш Мексикада тез-тез учрамоқда.

МЎҒУЛИСТОНДА 50 ДАРАЖА СОВУҚ



Мўғулистонда қаттиқ совуқ ҳукм сурмоқда. Мамлакатнинг қатор ҳудудларида термометр кўрсаткичи - 50 даражагача тушиб кетган. Ҳароратнинг кескин пасайиши одамларга жиддий қийинчиликлар туғдирган. Икки миллионга яқин от, қорамол ва эчки нобуд бўлган.

Дастлабки ҳисоб-китобларда ноқулай об-ҳаво Мўғулистонга 60 миллион АҚШ доллари миқдорида зарар келтиргани аниқланган.

ЭХТИЁТ БЎЛИНГ, ТУСОВУК!

The Daily Telegraph газетасининг ёзишича, кейинги пайтларда Буюк Британиянинг Шимолий Йоркшир шаҳри яқинидаги Ньюшем қишлоғи аҳолиси бир тусовуқ ҳужумидан хавфсизлаб қолган. Сўнгги ҳафтанинг ўзида тусовуқ бир неча кишига ҳужум қилган.

Қишлоқда яшовчи бир кампининг айтишича, уни тусовуқнинг ҳужумидан почтачи қутқариб қолган. Зўравон қуш кампирга ташланаётганини кўриб қочгани ёрдам беришга шошилган.

Маҳаллий ўрмончилар ташкилоти мутахассисларининг таъкидлашларича, урчиш пайти келаётгани боис тусовуқ ўз худуди деб ҳисобловчи ерларни қўриқлашга ҳаракат қилмоқда, холос.

MOBIL ALOQA

HSPAда

РЕКОРД ТЕЗЛИК

Ericsson компанияси HSPA симсиз тармоқ стандартида маълумот узатиш бўйича тезликни 84 Мбит/с.га етказиб янги натижани қайд этди.

HSPA (High Speed Packet Access) — симсиз кенг полосали радиоалоқа технологияси бўлиб, WCDMA/UMTS мобил тармоқларида маълумотларни пакетли узатишга мўлжалланган.

Юқори тезликдаги дастлабки HSPA-тармоқ келгуси йилнинг ўрталарида Дания ва Швецияда ишга туширилиши кўзда тутиляпти.

TEKNOLOGIYALAR

ИХЧАМ ВА ҚУЛАЙ

Жанубий Корея Фан ва технологиялар миллий институти тадқиқотчилари мобил телефон заряд олиш вақтини 6 мартабагача камайтирувчи янги технология ишлаб чиқишди.

Олимларнинг айтишича, бунга юмшоқ углерод бирикмаси ва кремнийга юқори босим ва ҳароратда таъсир кўрсатиш орқали эришилган.

Келгусида янги турдаги батареялардан нетбуқлар ва портатив дисплейларда ҳам фойдаланиш кўзда тутиляпти.

МОБИЛ ТЕЛЕФОН УЧУН

HD-ВИДЕО

Германиянинг HHI Berlin компанияси Барселонада ўтадиган Mobile World Congress кўргазмасида мобил телефонларга реал вақт тартибида HD сифатли видеони узатишни таъминловчи SVC технологияси тақдироти билан таъкидлашди.

Ишлаб чиқарувчилар бунинг учун LTE стандартидаги тармоқ ўтказувчанлиги бемалол етишини таъкидлашган.

Бу йўсиндаги видеони кўриш учун мобил аппаратга Multicore SVC Realtime Encoder кодек ўрнатилса кифоя.

ЭНГ ТИНИҚ ЭКРАН

Тайваннинг Qisda (BenQ) компанияси тасвирни энг аниқ ифодаловчи дисплей ўрнатилган смартфон ишлаб чиқарди. QCM-330 смартфонининг 4-дюймлик экрани 1280x1024 пикселлик имкониятга эга.

Агар таққосланса, “энг тиниқ” дисплейли телефонлардан ҳисобланган Motorola Droidнинг экрани 854x480 пикселни ифодалай олади.

ИСТИҚБОЛЛИ ҲИНД БОЗОРИ



Ҳиндистон дастурчи ва сервис компаниялари миллий уюшмаси — Nasscomнинг маълумот беришича, 2010 йил 31 мартда нисбатига етадиган амалдаги молиявий йилда мамлакатдаги IT- ва BPO-аутсорсерларнинг ялпи даромади 49,7 миллиард долларга етиши кутуляпти. Жаҳон иқтисодий инқирози шароитида ўтган йилгига қараганда 5,5 фоиз юқори даромадга эришилганини мутахассислар ижобий баҳолашган.

Бугунги кунга келиб ҳиндистонликлар АҚШ, Буюк Британия сингари мамлакатлардаги йирик миқозлар учун асосий IT- ва BPO-сервислар таъминотчиларига айланишган. Умуман олганда, Ҳиндистонда 90 мингдан зиёд мутахассис IT-аутсорсинг соҳасида банд.

Интернет материаллари асосида тайёрланди

ALOQA OLAMIDA

XAVFSIZLIK



ХАКЕРЛАР УЯСИ

ФОШ ЭТИЛДИ

Хитойнинг марказий провинцияси Хубэйда полиция хакерларни тайёрлаш ва вирусларни тарқатувчи сайт (Black Hawk Safety Net)ни аниқлади ва айбдорларни ҳисса олди.

Black Hawk Safety Net сайти 2005 йили ташкил этилган, 12 минг нафар доимий аъзосига ва 170 мингдан зиёд тапширф буюрувчиларига эга бўлган.

Полициянинг маълум қилишича, бу Хитойдаги хакерларни тайёрловчи энг йирик сайт бўлиб, очиқчасига одамларни жалб этиб, хакерлик техникаси тарғиботи ва махсус дарслар ўтиш билан шуғулланган, “троян” тоифали вирусларни тарқатган.

IT-BIZNES

ҚИДИРУВ КОМПАНИЯЛАРИ ПУЛ ТЎЛАСИН!

Telefonica (Испания) телекоммуникациялар компанияси йирик қидирув тизимлари, хусусан, Google ва Yahoo компаниялари интернет-тармоқлардан фойдалангани учун пул тўлаши лозим деган баёнот билан чиқди.

Компания президенти Сесар Алиертанинг айтишича, тармоқ ўтказувчанлигининг каттагина қисми интернет-трафикни ишлаш учун сарфланмоқда. Тармоқ хизматлари таъминотчилари тармоқларни яратиш ва уларга хизмат кўрсатиш учун катта сармоя сарфляпти, қидирув тизимлари эса тайёр тизимдан бепул фойдаланганини етганидек, уни асосий даромад манбаига айлантириб олишган.

DASTURIY MAHSULOTLAR

(Давоми. Бошланishi 1-бетда.)

Улкан лойиҳалар

Президентимизнинг 2009 йил 20 январдаги “Ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани янада ривожлантириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарориди мамлакатимизда замонавий ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш борасида қилиниши керак бўлган ишлар аниқ кўрсатиб берилган эди. Ушбу қарорга биноан «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси ҳам ўтган йили ўз олдига қўйган лойиҳалар устидаги ишларни якунлади.

Жумладан, “Тошкент-Бухоро йўналишида телекоммуникация транспорт тармоғини модернизациялаш” лойиҳаси доирасида ўтказилган ёпиқ тендерда “Nokia-Siemens Networks”, “Inversion Technologies S.A.” ва “Alcatel-Lucent” компаниялари иштирок этди. Компанияларнинг техник ва молиявий таклифларини баҳолаш натижасида “Inversion Technologies S.A.” компанияси ғолиб деб топилди. 2009 йилнинг 26 май куни ушбу компания билан ускуналарни етказиб бериш бўйича 2,2 млн. АҚШ доллари миқдоридаги шартнома имзоланди. Ҳозирги кунда шартнома асосида келтирилган қурилмалар жойларга етказилиб, монтаж ишлари якунланди, ўрнатилган ускуналар тажрибавий эксплуатацияга топширилган.

“Андижон-Ўш”, “Қўнғирот-Бейнов”, “Денов-Турсунзода”, “Термиз-Хайратон” йўналишларида халқаро алоқа линиясини қуриш” лойиҳалари доирасидаги ишлар ҳам ниҳоясига етказилди. Ушбу йўналишларда жами 517,8 км. масофада оптик толали алоқа линиялари қурилди. Хусусан, “Қўнғирот-Бейнов” ОТАЛ бўйича Қўнғирот-Ақшоллак-Жаслык-Каракалпакия-Бейнов (Қозғистон чегараси) ҳамда Жаслык-Қибла Устюрт участкалари оралиғининг ўзида 400 км дан зиёд оптик толали кабел ётқизилди.

Лойиҳа доирасидаги “Андижон-Ўш” йўналишини таҳлил қилсак: Андижон-Боғишамол-Хўжабод-Ўш (Қирғизистон чегараси) гача бўлган худудни қамраб олган мазкур йўналишга 53 км дан ортиқ оптик толали алоқа кабел ётқизилди. Ишларни “Ўзбектелеком” АКнинг Андижон, Фарғона ва Наманган вило-


Узоқ муддатли истикболга мўлжалланган, мамлакатимизнинг салоҳияти, кудрати ва иқтисодиётимизнинг рақобатдошлигини оширишда хал қилувчи аҳамият касб этадиган навбатдаги муҳим устувор йўналиш — бу асосий етакчи соҳаларни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш, транспорт ва инфратузилма коммуникацияларини ривожлантиришга қаратилган стратегик аҳамиятга молик лойиҳаларни амалга ошириш учун фаол инвестиция сиёсатини олиб боришдан иборат.

Ислом КАРИМОВ

Инвестиция

ятлари филиаллари ходимлари қисқа муддатда амалга оширишди — 2008 йилнинг 4-чорагида бошланган ишлар 2009 йилнинг 3-чорагида якунланди.

— Андижон республикасидаги аҳоли энг зич жойлашган вилоят эканлигини ҳисобга олсак, олиб берилган ишларнинг нечоғлиқ аҳамиятли эканлигини билиш мумкин, — дейди “Ўзбектелеком” АКнинг Сармоялар ва қурилиш бўлими бошлиғи Санжар Умархўжаев. — Ушбу йўналишда халқаро алоқа линиясини модернизация қилиш натижасида маълумотлар узатиш тезлигини бир неча баробарга оширишга эришил-



“Коинот ЭлСГМ” рақамли кичик сифимли телефон станцияларини ишлаб чиқиш учун бутловчи қисмларни харид қилиш” лойиҳаси бўйича 1,09 млн. АҚШ доллари миқдоридаги бутловчи қисмлар келтирилган. Ҳозирда филиалларга тарқатилган 78 дона “Коинот ЭлСГМ” телефон станцияси монтажи якунланиб, тест-синов ишлари олиб борилаётганда.

Халқаро ҳамкорлик

Истиклолга эришган дастлабки йилларимиздан бошлаб мамлакатимиз АКТ тизимига хорижий давлатларнинг нуфузли компаниялари катта қизиқиш билан қараб келмоқда. Ўтган йиллар мобайнида Япониянинг MITSUI ва NEC, XXРнинг Huawei Technologies Co., LTD, ZTE ва Alcatel Shanghai Bell, Германиянинг Siemens, Россиянинг “НТЦ Протей” каби компаниялари билан соҳа ишлаб чиқариш, бозор ва ижтимоий инфратузилма объектларини ривожлантиришга қаратилган лойиҳаларни амалга ошириш борасида ўзаро манфаатли ҳамкорликлар йўлга қўйилди.

Якунланган йилда ҳам республикаимиз АКТ соҳасига хорижий инвестицияларни жалб қилишда қўйилган натижаларга эришилди. Хитой Халқ Республикасининг “ЭксімБанк” имтиёзли кредити асосида “Қишлоқ жойларида симсиз алоқа тармоғини кенгайтириш” ва “Қишлоқ телефон станцияларини реконструкция қилиш” лойиҳалари бўйича “ZTE Corporation” билан 4,59 млн. АҚШ доллари, “Huawei Technologies Co. Ltd.” билан эса 6,69 млн. АҚШ доллари миқдорида шартномалар имзолангани бунга яққол далилдир.

Албатта, юқоридаги лойиҳалар негизда соҳани жаҳон стандартлари даражасига етказиш, бу орқали қўшимча иш ўринларини яратиш, ходимлар манфаатдорлигини ошириш муҳассам. Амалга оширилган ишлар натижасида бир юз элликка яқин қўшимча иш ўринлари яратилгани ҳам фикримиз исботидир. Инвестиция маблағларини ўзлаштириш ишлари давом этар экан, республикаимиз АКТ тизими ривожланиш йўлидан бораверади.

“

2009 йилда Инвестиция дастурига киритилган лойиҳалар бўйича 200,2 млн. АҚШ доллари (284,48 млрд. сўм)га тенг маблағ тўғридан-тўғри хорижий сармоялар ҳисобига ўзлаштирилиши режалаштирилган эди ва ушбу режа 191 фозгга бажарилиб 382,34 миллион АҚШ доллари (543,3 млрд. сўм) ўзлаштирилди.

”

ди. Маълумотлар узатиш тезлигини ошириш орқали интернет, видео-телефон ва бошқа кенг қамровли хизматлар кўрсатиш имкони яратилди. Бу имкониятлар эса худудларда замонавий алоқа хизматларини кўрсатиш, қўшимча иш ўринларини яратиш, аҳоли фаровонлиги учун жуда муҳим омилдир.

Қишлоқда...

Ўтган Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида қишлоқларимиз инфратузилмасини тубдан янгилаш, қишлоқлар аҳолисига ҳам шаҳардиган кам бўлмаган шарт-шароит-

замонавийлаштирмасдан туриб тўлақонли эришиб бўлмаслиги айтилган ҳақиқат. Шу боис “TELMAX ELEKTRO NIKS” ИЧК МЧЖ томонидан ишлаб чиқарилаётган “Коинот ЭлСГМ” рақамли кичик сифимли телефон станцияларини қишлоқ АТСларига ўрнатиш қўйилган натижаларни бермоқда. Бундай станцияларни янада кўпроқ ишлаб чиқариш, чет элдан импорт қилинаётган телекоммуникация ускуналарига бўлган эҳтиёжни қисман бўлса-да қондириш мақсадида “TELMAX ELEKTRONIKS” ИЧК МЧЖ ўз маблағлари ҳисобидан тўғридан-тўғри инвестиция киритди. Яъни, “Қишлоқ аҳоли масканлари учун



Алоқа линиялари турли сув ҳавзаларидан, чуқурликлардан мана шундай қўриқлар орқали ўтказилди.



«Қўнғирот — Бейнов» йўналишида оптик толали алоқа линиясини қуриш жараёни. (Фотоархив).

Усмонжон ЙЎЛДОШЕВ,
«Хабар»нинг махсус мухбири

В Ташкенте проводился учебный семинар заместителей и помощников хокимов города Ташкент, Ташкентской, Джизакской и Сырдарьинской областей.

СЕМИНАР ДЛЯ ХОКИМОВ

Основная цель семинара — повышение квалификации и знаний руководящих кадров местных органов власти в политической, духовно-просветительской, социальной и экономической сферах, их личной ответственности за выполнение приоритетных задач по реформированию и либерализации экономики.

В рамках семинара также были обсуждены вопросы информационных средств управления и обеспечения национальной безопасности в процессе информатизации.

В условиях интенсивного внедрения информационно-коммуникационных технологий во все сферы общественной жизни и государственной деятельности, состояние обеспеченности информационной безопасностью приобретает первостепенное значение и становится важнейшей составляющей национальной безопасности любого государства. Для каждого информационно-развитого государства данное обстоятельство выдвигает на первый план необходимость выработки собственной государственной информационной политики, направленной на создание развитой и защищенной информационной среды общества.

На семинаре отмечалось, что на сегодняшний день в Республике Узбекистан уделяется особое внимание задачам и проблемам обеспечения информационной безопасности на государственном уровне. Об этом свидетельствуют законы Республики Узбекистан, указы и постановления Правительства, руководящие документы Узбекского агентства связи и информатизации, министерств и ведомств, связанные с регулированием различных аспектов в области информационных технологий.

В ходе работы семинара рассматривались вопросы значимости классификации угроз при построении системы обеспечения информационной безопасности организации, методов выбора антивирусных решений, борьбы с киберпреступлениями и другие.

Цикл учебных семинаров продолжается по регионам.

Aci.uz

УЧЕБНЫЙ ЦЕНТР SOFTLINE В УЗБЕКИСТАНЕ ПОЛУЧИЛ СТАТУС АВТОРИЗОВАННОГО УЧЕБНОГО ЦЕНТРА AUTODESK

В начале 2010 года Учебный центр компании Softline в Узбекистане выполнил все требования, предъявляемые к учебным центрам Autodesk, и получил статус Authorized Training Center (ATC).

Сегодня, больше чем когда-либо, проектирование и дизайн изделий и объектов строительства дает возможность выделиться среди конкурентов и победить. Компания Autodesk развивает передовые 2D и 3D технологии для визуализации, моделирования и анализа поведения разрабатываемых конструкций на ранних стадиях проектирования.

Autodesk поддерживает и развивает сеть авторизованных учебных центров. Получить статус ATC не просто: каждый претендент должен пройти в установленном порядке жесткую процедуру аккредитации, которая разработана компанией Autodesk для Authorized Training Center во всем мире.

После прохождения всех необходимых условий сертификации Учебный центр Softline в Узбекистане присоединился к международной сети учебных центров Autodesk и теперь проводит авторизованные курсы по продуктам

Autodesk. В настоящее время Учебный центр Softline в Узбекистане предлагает своим слушателям:

- высокое качество образования, контролируемое и поддерживаемое Autodesk;
- официальные учебные материалы Autodesk;
- наличие сертифицированного преподавателя Autodesk;
- возможность выбора курса, соответствующего уровню квалификаций слушателя;
- получение международного сертификата, признанного во всем мире.

Учебный центр Softline в Узбекистане предлагает для различных групп слушателей оптимальные методики, позволяющие приобрести все необходимые навыки и полностью использовать потенциал каждого программного продукта Autodesk. Выбор курса определяется предыдущим опытом и квалификацией пользователя. В программе обучения предусмотрены специ-

альные возможности для тех, кто переходит с одного продукта на другой, и update-классы для тех, кто уже умеет работать с продуктом, но хочет узнать о возможностях новых версий.

— Получения статуса Authorized Training Center Autodesk мы ждали с особым волнением, так как сертификация на его получение ведется особенно тщательно. Мы понимаем, что все эти меры абсолютно обоснованы, ведь тщательный контроль Autodesk за качеством обучения, предоставляемого учебным центром, гарантирует удовлетворение потребностей любого клиента. В результате эффективно проведенных курсов специалисты высокого уровня смогут применять новые эффективные инструменты, перенять опыт профессионалов, полнее использовать весь потенциал технологий Autodesk, а полученные в ATC знания помогут быстрее освоить вложения в автоматизацию проектирования, — отметил руководитель Учебного центра Softline в Узбекистане Тимур Назаров.

Наш корр.

РАСШИРЕНИЕ ГЕОГРАФИИ МЕЖДУНАРОДНОГО РОУМИНГА

“МТС-Узбекистан” сообщает, что в январе 2010 года к списку роуминг-партнеров добавилось 5 новых операторов.

В январе 2010 года услуга международного 3G-роуминга, то есть возможность пользования услугой пакетной передачи данных на высоких скоростях, стала доступна абонентам “МТС-Узбекистан” в сетях еще 4 операторов: Vodafone (Испания), SingTel (Сингапур), Vodafone (Египет) и T-Mobile (Австрия). Отметим что скорость передачи данных в сети роуминг-партнера, работающего в стандарте 3G с применением технологии HSDPA, может достигать 3,6 Мбит/сек.

В настоящее время абоненты “МТС-Узбекистан”, имеющие телефоны с поддержкой стандарта UMTS (HSDPA), могут получить доступ к высокоскоростной передаче данных, используя 3G-роуминг в сетях 45 операторов в 34 стране мира.

Кроме того, с января 2010 года стало возможным пользование услугой GPRS-роуминга в сети компании Idea (Индия). Таким образом, на сегодняшний день GPRS-роуминг стал доступен абонентам компании в сети 105 операторов в 62 странах мира.

КАРТЫ ОПЛАТЫ «БИЛАЙН» ТЕПЕРЬ И В «КАПИТАЛБАНКЕ»



Билайн

Теперь абонентам «Unitel» доступно приобретение карт оплаты «Билайн» в Ташкентских филиалах и отделениях Открытого Акционерного Коммерческого Банка «Капиталбанк» без ограничений по количеству карт и форме оплаты.

Напомним, что помимо традиционных платежных систем, у абонентов «Билайн» есть возможность заплатить любую сумму в офисах компании и во всех филиалах и отделениях «Капиталбанка» и «Узпромстройбанка» по всей территории страны.

Квалифицированная, опытная, уважаемая

Государственное унитарное предприятие «Республиканский центр управления сетями телекоммуникаций Узбекистана» провожает на пенсию специалиста связи Некрасову Татьяну Николаевну.

Татьяна Николаевна родилась 17 апреля 1952 года в городе Ташкенте. В 1975 году окончила Ташкентский электротехнический институт связи по специальности инженер электросвязи. Сразу после института работала на Ташкентской междугородной телефонной станции — инженером УПУ, затем в Территориальном центре управления междугородными связями и телевидением — начальником сектора планирования профилактическими измерениями. С 1989 года

является ведущим инженером по администрированию банка данных ресурсов телекоммуникаций, отдела управления сетевыми ресурсами ГУП РЦУСТУз.

Конец 90-х годов, это начало бурного развития SDH в Узбекистане. Транс-Азиатско-Европейская магистраль (Siemens Германия), Японские проекты (NEC) JVIC-I, затем JVIC-II и другие проекты.

Татьяна Некрасова стояла у самых истоков внедрения волоконно-опти-



ческих линий связи и цифровых систем передачи в Узбекистане. Именно она начинала ведение базы данных по нововведенным системам, с их обозначениями и систематизацией данных в новых для того времени условиях.

Татьяна Николаевна обладает глубокими знаниями, навыками, умениями и большим опытом в деле, которым многолет занимается. Является одним из самых квалифицированных, опытных и технически грамотных специалистов предприятия. Она все-

НАШИ НАСТАВНИКИ

гда готова помочь коллегам в повышении их профессиональных навыков. Свой профессиональный опыт передавала молодым специалистам, работающим в Центре.

Татьяна Некрасова активно участвует в реализации проекта «Создание Автоматизированной Системы Управления Сетями Телекоммуникаций Узбекистана» имеет большое количество сертификатов по специальности.

За эффективную трудовую деятельность она неоднократно была поощрена со стороны руководства.

Вся трудовая деятельность Татьяны Николаевны Некрасовой посвящена развитию отрасли связи в Узбекистане.

Хасан ХАЙДАРОВ

Хабар +tv

ДУШАНБА — 15 ФЕВРАЛ


ОЗБОСТОН

5.55 Курساتулар дастури.
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
7.00 «Иқлим»
7.10 «Олам ва одам» дастури:
«Экспедиция»
8.00 «Тахлилонам»
8.50 - 9.50 «Маънавият» дастури.
«Болалар сайёраси»
9.50 «Болалар дунёси»
10.10 «Финли ва унинг дўстлари»
10.35 «Икки дарё оралиғида»
10.55 «Сизнинг адвокатиңиз»
11.00 «Ахборот»
11.15 «Бокчи Тошкент»
11.35 «Дунё манзаралари»
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
12.50 «Иқлим»
13.00 Миллий кино: «Учрашув»
14.00 «Ахборот»
14.15 «Ватанпарвар»
14.55 «Олам ва одам» дастури:
«Сайёрапар»
15.45 «Шарқ тароналари»
16.00 «Менинг оилам»
16.25 «Стандарт ва сифат»
16.40 «Икки дарё оралиғида»
17.00 «Ахборот»
17.15 «Конун химоясида»
«Болалар сайёраси»
17.35 «Эрталар - ҳаёлиқола етаклар»
18.00 «Сизнинг адвокатиңиз»
18.05 «Олтин мерос»
18.15 Миллий сериал: «Умр манзаралари»
18.55 «Агар Сиз...»
19.15 «Ифтихор»
19.20 ТВ - шифкор»
19.25, 20.00, 20.55 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус/и)
20.10 Миллий сериал: «Хайт жилағари»
20.45 «Ватанимни қуйлайман»
21.00 «Ахборот»
21.40 2010 йил - Баркамол авлод йили.
«Мен ёшлайман»
21.55 «Нафс балоси»
22.45 «Иқлим»
22.55 «Харининг сўнги икмонияти»
00.25-00.35 Тўғи наволар.
«Ўзбекистон»
00.55 Курساتулар дастури.
01.40 «Бокчи Тошкент»
01.50 «Ахборот» (рус/и)
01.50 «Салом, Ўшлар!»
2.05 «Менинг оилам»
2.30 - 3.10 «Маънавият» дастури.
3.10 «Ватанпарвар»
3.50 «Нарқосат олами»
4.00 «Ахборот»
4.30 Миллий сериал: «Турмуш чоракларида»
5.20 «Икки дарё оралиғида»
5.40 - 5.55 Тўғи наволар.



6.55 Дастурнинг оқиллиги.
7.00 «Салом, Ўшлар!»
7.30 «Даврининг боласи»
7.40 «Мультианорама»
8.00 Миллий сериал: «Калдир-сипар яна кайтади»
8.35 «Бугундан эсдалик»
8.55 «Юртим қюғи»
9.00 «Севги стратегияси»
9.50 «Келажак эгалири»
10.00 «ДАВР»
10.50 «Муҳижавий дунё»
11.30 «KINOMANIYA»
12.00 «Қайси юлдуздансиз?»
12.50 «Ўзбек адабиёти»
12.55 «Телетўғи»
13.00 «Қамолот»
13.10 «Даврининг боласи»

13.20 «Винчи Пух»
13.40 «Сирли ўрмонча»
14.00 «Салом, Ўшлар!»
14.30 «Record Uzbekistan»
15.00 «Ишонсиз психологияси»
15.30 «Yoshlar-FM»
15.55 «Баркамоллик сари»
16.00 «ДАВР»
16.10 «Даврининг боласи»
16.20 «Мультианорама»
16.30 «Мутолаа»
16.45 Навоий виқити телерадиокомпанияси тақдим этади: «Обод минзиллар»
17.00 «Шавкатли Айвонго ҳақида кюсса»
18.25 «Оғоҳ бўлинг!»
20.10 2010 - Баркамол авлод йили:
«Қорақалпоқ ёшлари»
18.50 «ЎЗЕХ»
18.55 «Баркамол авлод»
19.00 «ДАВР»
19.30 «Севги стратегияси»
20.20 «Автопартур»
20.40 «Хюя»
21.00 «Телетўғи»
21.05 «Қайси юлдуздансиз?»
21.55 «Томчида қуёш»
22.00 «ДАВР»
22.30 Миллий сериал: «Қаминанинг оиласи»
23.00 «Илҳом қантолари»
23.20 «Жейн Эйр»
00.20 «Афсона ва ҳақиқат»
01.00 «Юрт тинчилиги»



7.25 Курساتулар тартиби.
7.30 «Салом, Тошкент!»
8.30 «Сехри атрак»
9.40 Муқтоз наволар.
9.50 «Эсмералда»
10.20 «Карвонсарой»
10.30 Миллий мултифильмлар
«Ит ва мушук», «Қирқ ёлғон», «Дангас»
11.05 «Сурғуашлар ороли»
11.35 «Оқ шуджин қишлоғи»
11.45 «Салом, Тошкент!»
14.00 «Дунё» телестури.
14.55 «Уйларим»
15.00 «Пойтахт»
15.15 «Эсмералда»
15.45 «Сув ости экспедицияси»
16.35 «Карвонсарой»
16.45 «Қизилқуван маймуна»
М/ф 1-қисм.
17.35 «Хуқуқшунос масхалати»
17.40 «Тошкентда латифа»
17.50 «Уйларим»
18.00 «Пойтахт»
18.25 «Эгизаклар»
19.20 «Тошкентнинг илм масхалари»
19.30 Миллий сериал: «Бог»
2-қисм.
20.00 «Пойтахт»
20.25 «Айқич ёлғон»
21.00 «Аёл қалби»
21.25 Муқтоз наволар.
21.30 «Пойтахт» (рус/и)
21.50 «Будите здоровы»
22.00 «Кино SMS со звёздами»
22.05-23.35 «Палаши»
Х/ф.
Профилактика
18.00 «Болалар майдончаси»
18.10 «Чемпион»
18.30 «Хабарлар»
18.55 Самбо, Ўзбекистон




чемпионати.
19.45 Қишки Олимпиада уйинларида.
20.40 «Футбол шарҳи»
21.10 «Чемпионлик орузи»
Миллий сериал премьераси.
21.40 «Хабарлар» (уяб. тил)
22.05 Интерфутбол.
23.45 Қишки Олимпиада уйинларида.
1.30 «Тунингиз осуда бўлсин»

БИРИНЧИ

04.00, 08.05 «Добро утро»
08.00, 11.00, 13.00, 14.00, 17.00, 22.30
Новости
08.30 Малахов +
09.30 Модный приговор
10.25 Контрольная закупка
11.20 «Участок»
12.20 «Детективы»
13.25 Понте. Простить
14.15 Т/с «Обручальное кольцо»
15.15 Т/с «Спальный район»
15.50 Федеральный район
17.15 «Давай поженимся!»
18.15 Т/с «След»
18.55 «Жизнь моя»
20.00 «Время»
20.30 Т/с «Верное воскресенье»
21.30 «Отцы и дети»
22.45 Х/ф «Телефонная будка»
00.10 Х/ф «Приключение»
02.00 Х/ф «Кальмар и кит»

РОССИЯ 1


05.00 «Утро России»
09.05 «Насыщенные роли Щербак»
10.00 Т/с «Срочно в номер 2»
11.00, 17.00, 14.00, 20.00 «Вести»
11.30, 16.40, 14.30 «Вести - Москва»
11.50 14.50 Х/ф «Самая счастливая»
13.40 16.30 «Дежурная часть»
17.30 Т/с «Кармелита»
18.20 Т/с «Ефросинья»
19.05 Т/с «Слово женщине»
20.25 «Местное время. Вести»
20.45 «Спокойной ночи, малыши»
20.55 Зиниче
Дилеммские игры.
22.15 «Городок»
23.15 «Вести +»
23.35 Х/ф «Выкупить Кинга»
01.30 Х/ф «Женские тайны»




05.55 Т/с «Графиня де Монсоро»
07.00 «Сегодня утром»
08.30 «Кулинарный поединок»
09.30 «ЧП. Обзор за неделю»
10.00, 13.00, 16.00, 19.00, 23.15
«Сегодня»
11.00 «Средний класс»
11.00 Т/с «МУР ест МУР»
12.00 «Суд присяжных»
13.30 Т/с «Закон и порядок»
15.30, 18.30 «ЧП. Обзор»
16.30 Т/с «Возвращение Мухомора 2»
19.30 Т/с «Медвежий угол»
21.30 Т/с «Агент особого назначения»
23.35 «Честный понедельник»
00.25 «Школа злополучия»
01.15 «Роковой день»

РОССИЯ К


07.00 «Евроньюс»
10.00, 15.30, 19.30, 23.30 «Новости культуры»
10.25 «Кто там...»
11.00 Х/ф «Манхэттенская мелодрама»
12.35 «Линия жизни»
13.30 «Питом измерение»
14.00 Телеспектакль
15.35 «Проткрытая дверь»
Л. Пентелев
16.00 Мультифильм
16.25 Т/с «Магна Аура»
16.50, 01.40 Д/с «Обезьяны-ворюхи»
17.20, 02.10 «Царская муза»
17.50 Д/ф «Роман Августин»
18.00 «Собрание исполнений»
19.05 «В главной роли...»
19.50 Д/с «Медики. Крепкие отцы»
20.45 «Абсолютный слух»
21.25 «Острова»
22.05 «Тем временем»
23.00 Д/ф «Подстроичник»
23.50 Д/ф «Вперед и назад»
00.20 Д/ф «Постсоветское пространство или две Родины»



10.00 Т/с «Джунгли дома»
10.55, 17.30 Мультисериалы
11.30, 13.30, 20.30, 23.00 Т/с «Планины дончи»
12.30, 00.00 Т/с «Воронины»
13.00, 03.50, 04.00 «6 кадров»
14.00, 16.00, 21.30 «Алиле»
15.00 Т/с «Моя прекрасная няня»
16.30 Т/с «Шаг за шагом»
19.30 Т/с «Сабрина - маленькая ведьма»
20.00 Т/с «Настоящий Арон Сторун»
22.30 Т/с «Давешь молодцы»
01.00 Т/с «Маргоша»



08.00, 14.00 Д/ф «Тайные знаки»
09.00 «Рассказы судьбы»
10.00 Мультифильм
11.00, 19.00 Т/с «Удивительные странствия Гераска»
12.00, 02.00 Т/с «Звездные врата. Атлантида»
13.00 Т/с «День рождения Буржуа»
15.00 Д/ф «Затерянные миры»
16.00 Х/ф «Бездна»
18.00, 03.00 Т/с «На краю вселенной»
20.00 Т/с «Гангстерские пути»
21.00 Т/с «Медиум»
22.00 Д/ф «Тайные знаки»
23.00 Д/ф «Охотники на монстров»
00.00 Х/ф «2012. На пороге новых открытий»
Профилактика



06.00 «Необъяснимо, но факт»
07.00 «Такси»
08.30, 11.30 Мультисериалы
09.30, 01.05 Т/с «Друзья»
09.30, 20.00 Т/с «Универ»
10.30, 18.30 Т/с «Счастливы вместе»
13.30 Т/с «H2O»
14.00 «Саша + Маша»
14.30 «Битва экстрасенсов»
15.30 Х/ф «Шаг вперед 2: Улицы»
17.30 Т/с «Барбика»
19.30 «Женская лига»
21.00 Х/ф «Астерикс и Обеликс против Цезаря»
23.05 «Дом 2»

ОРАДИО

5.55 Курсатувлар дастури.
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
7.00 «Иқлим».
7.10 «Олам ва одам» дастури:
«Экспедиция».
8.00 «Ахборот».
8.40 - 9.40 «Мазнавият» дастури.
«Болалар сайёраси»
9.40 «Ёқин кутубона»
9.50 «Финли ва унинг дўстлари»
М.Ф.
10.10 Хоразм вилояти телеради-
окомпанияси намойиш этади:
1. «Мангулиқа дхлдор маскан».
2. «Хунарманд»
10.55 «Йил даёри ораллигида»
10.55 «Синанг адвокатингиз»
11.00 «Ахборот»
11.10 «ТВ - шифокор»
11.15 Миллий сериал: «Умр
манзаралари»
11.50 «Ахборот» (инглиз/
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
12.50 «Иқлим»
12.55 «Иқлим»
13.00 Миллий сериал: «Хайт
жигарлари»
«Болалар сайёраси»
13.35 «Андерсен эртаклари» М.Ф.
14.00 «Ахборот»
14.20 «Йил даёри ораллигида»
14.20 «Ойдин хайт» Ток-шоу.
15.05 «Олам ва одам» дастури:
«Сайёра»
16.00 «Тексдор хабарлар»
16.10 «Очун»
16.20 «Мен ёшлиман»
16.40 «Йил даёри ораллигида»
17.00 «Ахборот»
17.15 «Худудлар хайти»
«Болалар сайёраси»
17.35 «Эртаклар - яхилика
етаклар»
17.55 «Олтин мерос»
18.10 Миллий сериал: «Умр
манзаралари»
18.45 «Кун мавзуси»
19.00 «Навийни англаш»
19.20 «ТВ - шифокор»
19.25, 20.00, 20.55 Ўзлонлар.
19.30 «Ахборот» /рус/
20.05 Миллий сериал: «Хайт
жигарлари»
20.40 «Ватанимни қўлаб»
21.00 «Ахборот»
21.35 «Буюк аждодларимиз»
21.55 «Нафис белоси» Т/с.
22.45 «Иқлим»
22.55 «Этикод» Б/ф.
00.25-00.35 Тунги наволар.
00.35 Курсатувлар дастури.
00.40 «Ортим бўйлаб» дастури:
«Геологик қўрқонча»
1.00 «Ахборот» /рус/
1.30 «Салом, ёшлар»
2.00 «Очун»
2.10 «Навийни англаш»
2.30 - 3.10 «Мазнавият» дастури.
3.10 «Ойдин хайт» Ток-шоу.
4.00 «Ахборот»
4.30 Миллий сериал: «Турмуш
чорраҳаларида»
5.20 «Йил даёри ораллигида»
5.40 - 5.55 Тонгги наволар.



6.55 Дастурнинг очилиши.
7.00 «Салом, ёшлар»
7.30 «Давринг боласи»
7.40 «Мультипалорама»
8.00 Миллий сериал: «Қалдиғоч-
лар яна қайтди»
8.35 «Умр баҳори»
8.55 «Улут неъмат»
9.00 «Қайси юлдуздансиз?» Т/с.
9.50 «ЎзЕх»
9.55 «Ўзбек адабиёти»

10.00 «Давр»
10.10 «Қишлоқ тароққуёти»
10.30 «Ўғил-қизлар дунё»
11.30 «Ўзбеким ёшлари»
12.00 «Севги стратегияси» Т/с.
12.50 «ЎзЕх»
12.55 «Телетуф»
13.00 «Давр»
13.10 «Давринг боласи»
13.20 «Винни Пу» М/с.
13.40 «Қирғи ўқиман»
14.00 «Салом, ёшлар»
14.30 «Қўнғил қуйи»
15.35 «Қорақалпоқ ёшлари»
пийские игры.
12.30, 22.15 Дневник Зим-
них Олимпийских игр.
13.15, 20.00 «Вести.ру»
13.25, 20.10 «Вести-Спорт»
13.40 Прыжки с
трамплина.
14.55 Керлинг. Женщины
15.55 Конькобежный спорт.
17.25 Бобслей. Мужчины..
18.10 Хоккей. Мужчины.
20.25 Лыжные гонки. Мужчины.

“Рақамли” тиббиёт

Технологиялар ривожланиш даражаси йилдан-йилга юксалиб борапти. Шунга яраша, уларнинг қўлланилиш доираси кенгайиб, сифати ошмоқда. Чунончи, инсониятнинг энг қадимий касбларидан бўлиш тиббиёт соҳасини ҳозир замонавий техника ва технологияларсиз тасаввур қилиш асло мумкин эмас.

Халқда бир нақл бор: “Касал бойдан соғлом камбағал яхши”. Агар кузатадиган бўлсак, гўё жаҳон соғлиқни сақлаш саноати бор кучини шу нақлни амалга оширишга сарфлаётганга ўхшайди, яъни бугун тиббиёт шундай мўъжизаларга қодирки, ҳаста бой соғлом камбағалга айланиши ҳеч гап эмас. Мисолларга ўтамиз, 2007 йили АҚШда тиббиёт мақсадлари учун 2,26 триллион доллар сарфланган (таққослаш учун: ўша йили ишлаб чиқарилган ялпи ички маҳсулот Германияда 2,81, Буюк Британияда 2,14, Россияда 2,08 триллион долларга тенг бўлган). Масала икки жиҳати билан эътиборли: биринчидан, бу харажатларнинг қарийб ярми АҚШнинг 5 фоиз аҳолисига тўғри келади. Нима, бу “пул бўлса чангалда шўрва”, қолганлар учун эса аспирин харид қилиш ва ўзларига омад ёр бўлишини тилаш деганими?..

Иккинчидан, 2007-2017 йиллар мобайнида АҚШ соғлиқни сақлаш бозорида йилга 6,7 фоизлик ўсиш кутиляпти — бу мамлакатдаги инфляция даражасидан юқори. АҚШ Конгресси бюджет қўмитаси маълумотларига таянадиган бўлсак, “харажатлар ўсишига асосий сабаблардан бири сўнгги ўн йилликларда соғлиқни сақлаш тизимида технологияларни жорий этишга жуда катта маблағ сарфланганлигидир”. Масалан, магнит резонансли томография сканерини олайлик, медикуляр юмушини енгиллаштириб, беморлар жонига оро киришдан ташқари, яхшигина даромад

келтираётгани ҳеч кимга сир эмас.

Шу боис ҳам Intel, Microsoft сингари йирик ахборот технологиялари компанияларининг соғлиқни сақлаш соҳасига катта қизиқиш билдираётганига ажабланмасамиз ҳам бўлади. Биринчидан, сердаромад соҳа. Иккинчидан, юқори технологиялар сабаб тиббиётда катта ютуқларга эришилмоқда. Учинчидан, бу бозор улкан, ҳали ўзлаштирилмаган салоҳиятга эга.

Ахборот технологиялари гигантларининг соғлиқни сақлаш тизимига кириб келиши икки йўналишда бўлиши кутиляпти. Биринчиси анъанавий — алоҳида клиникалардан тортиб бутун мамлакат соғлиқни сақлаш тизимига ҳам қамраб олувчи кенг қўлмали IT-инфратузилмани барпо этиш. Оддий айтганда, бемор қайси клиникага мурожаат қилмасин, унинг соғлиғи тўғрисидаги барча маълумотлар ўша клиника электрон маълумотлар базасида мавжуд бўлиши лозим.

Иккинчиси — алоҳида шахслар учун мўлжалланган, “Касаллиқни даволашдан кўра, унинг олдини олиш осонроқ” тамойили устун йўналиш.


Технологиялар тараққиёти кўп функцияли ва жуда ихчам қурилмалар ишлаб чиқариш имконини бериши билан бу тамойилни ҳақиқатда амалга ошириш имкони пайдо бўлди. Демак, энг бошланғич босқич — бемор босқичида, дейлик, қўлингиздаги тасма мунтазам равишда томирингиз уриши, қон босимингиз, тана ҳароратингиз ва ҳоказо маълумотларни тегишли жойга еткази



Магнит резонансли томография сканери

зиб туради ва бу ахборот реал вақт тартибда бетўхтов таҳлил қилиб борилади, зарурат туғилганда тегишли чоралар қўлланади: сизга бирон-бир дорини қабул қилишингиз тўғрисидаги оддий SMS-хабар йўлланади, шифокорга учрашингиз лозимлиги ёки уни қақиртириш кераклиги ҳақидаги тавсия жўнатилади.

Бундай сенсорли қурилмалар



Bluetooth-тарози

жуда кўп бўлиши талаб этилади. Нега? Масалан, оддий тарозини олайлик — у кўп касалликларга ташхис қўйишда ёки эҳтимолий касалликларни аниқлашда асосий омил бўлмиш одам вазни ҳақидаги маълумотни ҳар куни ҳам “керакли жой”га еткази олмайди.

Буларнинг ҳеч қайсиси хомхаёл эмас. Умуман олганда, ҳозир мавжуд қурилмалар ҳам оддий шароитда инсонни кузатиш, рақамли ахборотни рўйхатга олиш ва ишлов бериш учун кейинги манзилга етказиб бера олади. Ўша биз билган симболи термометрлар ўрнини рақамли қурилмаларга бўшатиб ўтмишга чекинмоқда. Бундан ташқари, “рақамли аср” авлодлари — Bluetooth орқали бошқарилувчи тарозилар, қон босимини ва қондаги қанд миқдорини, томир уришини ўлчагичлар, қадамлагичлар ва ҳоказо рақамли қурилмалар ҳаётимизга кириб келмоқда.

(Давоми бор.)

Замонавий технология соҳаларининг интеграциялашуви улкан имкониятлар тўхфа этиш билан бирга, айрим хавф-хатарлардан холи эмаслиги ойдинлашиб борапти.

Маълумотларга қараганда, мобил қурилмалар учун биринчи вирус — смартфонларга хавф туғдирувчи Caribe дастури 2004 йил июнида 29А профессионал гуруҳи томонидан яратилган. Symbian амалиётлар тизими саҳнида ҳаракатланувчи бу вирус симсиз узатиш технологияси асосида тарқалади. “Касперский лабораторияси” мутахассислари батафсил ўрганишлардан сўнг унга Worm.SymbOS.Caribe дея шартли ном беришди.

Оммавий ахборот воситалари дастлабки мобил вируснинг пайдо бўлишига шунчалик катта эътибор бериб юборишдики, смартфондан фойдаланувчилар ўртасида ҳақиқий ваҳима бошланди кетди. Бироқ вақт ўтиши билан Worm.SymbOS.Caribe шунчаки бўлажак хавфлар огоҳлиги эканлиги маълум бўлди.

Орадан бир ой ҳам ўтмасдан компьютер ва мобил қурилмалар вирусологияси мутахассислари янги — Windows Mobile амалиётлар тизимига мўлжалланган вирус мавжудлигини аниқлашди.

Ҳеч қанча вақт ўтмасдан зарарланган қурилмага такрор киришни таъминловчи дастур мажмуи — Backdoor.WinCE пайдо бўлди. Бу зарарли дастур смартфонга интернет орқали кириш йўллари очиб бериши билан хавфлидир.

Юқоридаги дастурларнинг давомчилари сифатида троян-дастурлар — Trojan.SymbOS.Mosquit, Trojan.SymbOS.Skuller кетма-кет пайдо бўлди. Биринчи дастур мобил телефонларда оммалашган ўйин ортда яширинган бўлиб, хакер томонидан кодга ўзгартиришлар киритилгач смартфон ва шахсий компьютерларга хавф туғдира бошлади, зарарланган қурилмалар троян муаллифи белгиланган рақамга SMS-хабар кета бошлади. Trojan.SymbOS.Skullerнинг ўрнатилиши ва ишга тушиши оқибатида эса қўл телефондаги ёрликлар (иконкалар) йўқолиб, ўрнига қароқчилар рамзи (бош чаноғи сурати) муҳрланиб қолаверди. Бунинг устига амалдаги дастурлар устига бошқа янги зарарли дастурлар келиб жойлашадиган бўлди.

Шубҳасиз, мобил қурилма фойдаланувчилари учун энг катта хавфни мустақил тарқалувчи вируслар — “чувалчанглар” келтириб чиқарди. Бугунгача уларнинг иккитаси аниқланган: тарқалиш учун Bluetooth технологиясидан фойдаланувчи Worm.SymbOS.Caribe ҳамда Bluetooth ва MMS ёрдамида тарқалувчи Worm.SymbOS.Comwar. Аксарият телефонлар Bluetoothга қараганда MMS технологиясини кўпроқ қўллагани учун, табиийки, Worm.SymbOS.Comwar троянининг тарқалиш эҳтимоли юқорилигини сезиш қийин эмас.

Нега вирус ишлаб чиқувчилар мобил қурил-

маларга эътибор бериб қолишди? Бунга сабаблар кўп. Аввало, масалан, компютерга қараганда, қўл телефонлар кенг оммалашган. Одамлар мобил телефон орқали кўпроқ маълумот алмашишади, турли медиаимкониятларнинг кўпайиши ўз-ўзидан Bluetooth технологиясини янада самаралироқ ишлатишга ундайди, қолаверса, қўл телефонлар ва компютерларнинг интеграциялашуви ва ҳоказо омиллар.

Мобил антивируслар чиқарувчилар орасида бизга таниш “Касперский лабораторияси” ҳам бор. Компания ҳозиргача Windows Mobile, Symbian, Palm амалиёт тизимлари учун антивируслар чиқарди. Агарда муайян уяли алоқа оператори ёрдамида унинг интернет-серверига ўрнатилган антивирус дастурида MMS оқим тўлиқ текширилса телефон “чувалчанглари”га қарши кураш яхши самара бериши мумкин.

Хулоса ясайдиган бўлсак, зарарли дастурларнинг тарқалиш сабабини тушуниш қийин эмас: қўл телефони соҳиби хавфсизлиқнинг энг оддий қоидаларига амал қилса ва замонавий технологиялар соҳасидаги янгиликлардан бохабар бўлиб борса, хавф эҳтимолини анчагина камайтира олади. Беарволик ва эътиборсизлик кейин катта бошогриққа сабабчи бўлишини унутмаслигимиз керак.

Саҳифани Собит АҲАДОВ тайёрлади

Давр билан ҳамнафас

Бухоро вилояти умумтаълим мактабларида қўндалик таълим-тарбия жараёнига замонавий ахборот-коммуникация ва педагогик технологияларни жорий этиш сари дадил қадамлар ташланапти. Бунинг айниқса, кейинги йилларда ўз самарасини бераётганини нагаб олиш қийин эмас. Ҳозирги пайтда вилоятдаги мавжуд 538та умумтаълим мактабида жами 270540 нафар ўқувчи фан асосларини пухта ўрганипти.

Замонавий таълим тизимига АКТни жорий этиш бўйича белгиланган дастурлар юзасидан самарали иш олиб борилаётганлиги ўқиш-ўқитишда сифат кўрсаткичларга эришишни таъминлаётган. Айни пайтда вилоятдаги барча умумтаълим мактабларида энг сўнгги русумдаги компютерлардан ўқувчилар унумли фойдаланишяпти. Жорий йилда яна 180та замонавий компютер ёшлар ихтиёрига топширилиши режалаштирилган. Уларнинг 80таси тез кунларда Корея Республикаси гранти асосида билим даргоҳларига етказиб берилди. Шунингдек, вилоятда Осиё Тараққиёт банки билан ҳамкорликдаги лойиҳа асосида 50та етакчи класстер мактаблари ташкил этилмоқда. Бу, ўз навбатида, ўғил-қизларнинг компютер асосларини пухта билиб олишларида, уларнинг қизиқишларини қучайтириш ва билимларини мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этади. Шу кунгача вилоят билим даргоҳларида 18та етакчи класстер мактаблари ўз фаолиятини бошлади. Вилоятдаги 55та умумтаълим мактабида эса ахборот-ресурс марказлари фаолият кўрсатмоқда. Бу марказлардаги электрон дарсликлар, замонавий компютерлар ёрдамида ўқувчи-ёшлар ўз билимларини кенгайтириш, фан асосларини пухта

ўзлаштириш имконига эгадирлар.

Когон шахри, Қоракўл, Вобкент, Ёйдувон, Ромитан туманларидаги умумтаълим мактаблари педагогларини масофадан ўқитиш бўйича ресурс марказлари ташкил этилмоқда. Бундан ташқари, Жаҳон Банки билан ҳамкорликда лойиҳа асосида барча мактабларда ишлаётган ҳисобчиларнинг шахсий компютерлар билан таъминланиши ушбу йўналишда ҳам АКТдан ўз ўрнида фойдаланилаётганлигидан далолат бериб турибди. Замонавий таълим тарбия жараёнига АКТни татбиқ этиш бўйича изчил иш олиб бораётган, ўз фаолиятида ҳамкасбларига ўрнатилган натижаларга эришаётган педагог-ўқитувчилар талайгина. Бухоро шаҳридаги 20-умумтаълим мактабининг физика фани ўқитувчиси, 1-тоифали педагог Гулшола Нейматова, 35-умумтаълим мактаби биология фани муаллимаси Қамбара Болтаева, шаҳардаги 4-умумтаълим мактабининг информатика фани ўқитувчиси Саодат Қудратова, шунингдек, Шофиркон туманидаги 2-умумтаълим мактаби она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси Малухат Имомова, Ёйдувон туманидаги 8-умумтаълим мактабининг информатика фани ўқитувчиси Шерзод Каримовлар шулар жумласидандир.

Вилоят умумтаълим мактаблари йилдан-йилга энг замонавий техника воситалари билан таъминланиб келиняпти. Жорий йил ҳам бундан мустасно эмас. Бугунга келиб 18та фан бўйича 390 комплектидан иборат электрон дарсликларнинг вилоятдаги 390та умумтаълим мактабига етказиб берилганлиги билим даргоҳларида АКТдан изчил ва доимий фойдаланиш педагогик жамоаларнинг биринчи галдаги вазифаларидан бирига айланганлиги исботидир.

Асқар ИСТАМОВ,
“Хабар”нинг

Бухоро вилоятидаги мухбири



Ёшларимиз — ниҳолларимиз!

Пойтахтимиздаги Сергели политехника касб-ҳунар коллежида бугунги кунда 1729 нафар талаба таҳсил олмақда. Уларга 200 нафарга яқин муаллимлар таълим беришаётир.

38658та китоб фондига эга бўлган ахборот-ресурс маркази талабалар ихтиёрида. Улар бу ерга қўйилган компютерлар орқали интернетдан юртимиз ва хориж янгиликларини билиб олишяпти.

— Бир нафар дастурчи, уч нафар ЭХМ оператори ва беш нафар соҳамиз бўйича яхши малакага эга бўлган мутахассис билан талабаларга астойдил хизмат қиламиз, — дейди АРМ раҳбари Зухра Саидова. — Айни пайтда китобларнинг электрон базасини йиғимиз. Ҳадемай талабаларимиз хоҳлаган китобларнинг электрон вариантини ўқиш имконига эга бўладилар. АРМдаги турли тадбирларни чиройли ўтказишда узоқ йиллар меҳнат қилиб, талаба ва ўқитувчилар жамоаси ҳурматини қозongan Сайёра Очилова, Лутфия Одилова, Клара Жолдасова, Хосият Турдиматова, Маҳмуд Мирзаев ҳамда Мурод Парпиевларнинг ҳиссалари катта бўлмоқда.

Коллежда бир неча фан тўғралакли мунтазам ишлаб турибди. Талабалар, айниқса, “Компютер билими асослари”, “Дастурлаштириш”, “Ёш компютерчилар” каби машғулотларда фаол иштирок этишиб, компютер сирларини иштиёқ билан ўрганишмоқда. Улар бу борада устозлари Одил Мамаражапов, Шоира Тожибоева, Гулчехра Юсупова, Мастура Абдуазимовлар меҳнатидан миннатдор.

— Юртбошимиз бежизга мазкур йилни Баркамол авлод йили деб атамади, — дейди коллеж директорининг маънавият-маърифат ишлари бўйича ўринбосари Мансуржон Раззоқов. — Бунинг замирида ёшларимиз эртанги кунимиз эгалари эканлигини эътироф этган ҳолда уларнинг ҳам маънан, ҳам жисмонан баркамол вояга етишлари учун барча шароитларни яратиб бериш, бу борада бор имкониятларни ишга солишга даъват этишдир. Бугунги кун ёшлари старлиҳа ахборот манбаига эга. Улар тарбияси билан жиддий шуғулланмоқ, мавжуд ахборотлар ичида маънавиятнинг юксалтиришга хизмат қилаётганларини ажратиб тушунирмоқ биз педагогларнинг ҳам, ота-оналарнинг ҳам бурчи ва вазифасидир.

Дарҳақиқат, ўтказган дарахтидан яхши ҳосил олишни истаган бобон уни ниҳоллигидан яхши парваришларимиз лозим. Фарзандларимиз эса бизнинг навниҳолларимиздир. Уларга қанча мукамал тарбия берсак, шунчалар кўп ҳосил олишимиз мумкинлигини унутмайлик.

Муборак МИРКАМΟΛΟΒΑ

ФАКТ

2010 йилда давлат бюджетининг 50 фоиздан кўпроғи мамлакатимизда фақат таълим-тарбия ва соғлиқни сақлаш соҳаларини ривожлантиришга йўналтирилади.

Чемпион талаба

Тошкент ахборот технологиялари университетидида иқтидорли, спортга қизиқувчан талабалар талайгина.

Телекоммуникация факультетининг 415-07 гуруҳида таҳсил олаётган Зафар Салимов ана шуларнинг бири. Зафар 6 ёшидан спорт билан шуғулланиб келади. У бир қанча ютуқларга эришган, жумладан, 2009 йили бўлиб ўтган Осиё чемпионатида олтин медални қўлга киритган. Ҳозирда у жорий йилда бўлиб ўтаётган мусобақага тайёргарлик кўрмоқда.

“Юртим шайини юксакларга кўтариш бош мақсадим” — дейди чемпион талабамиз.

Умида СУЛТОНОВА

— Дугонажон, ҳеч ўйлаб кўрганмисиз, оқ ранг инсонлар қалбида доимо поклик, тиниқ ва соф туйғулар рамизидек муҳрланади. Табиатдаги бу рангтимиқли қайси фаслда акс этади?

Албатта, қиш фаслида.

Қиш! Эсласангиз совуқ, шамолли, қорли, қирояли кунлар ҳаёлингиздан ўтади. Лекин фасллар алмашиб, қишга навбат келганида, осмондан оппоқ қор парчалари бир-бирини қувалашиб тушганида беихтиёр юзингизга табассум юғуради. Кафтингизни қор парчаларига узатганингизни ўзингиз ҳам сезмай қоласиз. У ҳам сизни соғингандай кафтингизга ташлади-ю бир зумда эриб кетади. Шунда сизнинг ҳаёлингиз узоқларга, яъни болалик йилларига олиб кетади.

Қиш

Болалик! Бунда эсга олишга арзигулик хотиралар бисёр, лекин тан олиб қарасак, ҳеч нарса қиш фасли, ундаги байрамлардек қалбингизни қувончга тўлдиргани йўқ. Тенгдошлар билан қорбўрон ўйинлари, арча атрофида қўйланган қўшиқ, арчанинг ҳар бир ялт этган ўйинчоқлари сизга олам-олам қувонч олиб келганини эслайсизми?

Қўлчаларимиз совуқдан қизариб кетса ҳам, ўзимиз бунни сезмай, 1-санъат асаримиз — Қорбоболар ясаганимизчи, эслайсизми, тенгдошимиз Қорнинг оёғимиз остида фарч-ғурч этгани ҳали-

ҳануз қулоқларим остида жаранглайди. Шунинг учунми ҳар қиш келганда кўнглимда ажиб ҳислар уйғонади. Борлиқ оппоқ либос кийганда, гўё дунёда ҳеч қандай ёмонлик қолмагандай, ҳар бир ишда, ҳар бир соҳада поклик ҳўкм сураётгандай.

Одамлар ҳам бир-бирларига фақат яхшилик қилишни истайдилар. Бундай гўзалликни кўрча, қишнинг ҳеч қачон тугамаслигини хоҳлайсиз.

“Б” Тошкент шаҳридаги 64-мактабининг 9-синф ўқувчиси Зарифа ТИЙРЖОНОВАнинг қиш ҳақидаги таассуротларини унинг дугонаси Севара РАҲМАТУЛЛАЕВА ёзиб олди

TUYG'U

НАВОЙИ

Истикболнинг янги саҳифаси

“Навоий” эркин индустриал-иқтисодий зонасидаги қалдирғоч иншоотлардан ҳисобланган “Set-top-box” ускуналарини йиғишга мўлжалланган завод қурилиши жадал суръатда давом этмоқда.

Қурилиш майдонида нафақат қўшма корхона муассисларини, балки Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директори Ҳаким Муҳитдиновни қурилиш суръатини сусайтирмаслик чораларини кўраётган ҳолатда тез-тез учратиш мумкин.

Бунёдкорлик майдонида бизни “Ўзбектелеком” АК сармоялар ва қурилиш бўлими етакчи мутахассиси Фирдавс Алиев, “TELMAX ELEKTRONIKS” ИЧК МЧЖ бош директори Сирожиддин Фахрулдинов ҳамда “Алоқалойиҳа” МЧЖ директори Абдулла Гаюповлар кутиб олишди. Қурилишга оид саволлари-

мизга қурилиш назоратчиси Фирдавс Алиевдан жавоб олдик.

— Завод ҳудудида икки қаватли маъмурий бино ҳамда бир қаватли завод биноси жойлашади, — дея суҳбатдошимиз бизни қурилиш майдонига бошлади. — Юздан зиёд қурувчилар икки сменада иш олиб боришмоқда. Бунёдкорлар учун барча шарт-шароитлар етарли. Уч маҳал иссиқ овқат билан таъминланган. Ишда танаффус бўлмаслиги учун қурилиш материаллари ўз вақтида етказиб берилмоқда. Сифатли маҳаллий хомашёдан фойдаланилаётганлиги иншоотнинг мустақамлигини таъмин-

лашга хизмат қилмоқда. Бунёдкорлик ишларини сидқидилдан амалга ошираётган, қурилиш материалларигина эмас, ҳатто қурилишда ишлатиладиган сувнинг ҳам сифатига эътибор бераётган Шавқи Завқиёв, Юсуф Тешаевлар барчага ўрناк бўлмоқда.

Заводда электр тармоқлари ва сантехниканинг юқори талаб даражасида бўлишини таъминлаш учун Тошкентдан келиб ишлаётган Павел Воҳидов бошчилигидаги махсус бригада ҳам мураккаб вазифани бажаришга киришди.

Бугун “За мин қурилиш технология” масъулияти чекланган жамият бунёдкорларининг қўли-қўлига тегмайди. Кимдир кўтарма кран ёрдамида иншоот томига бетонларни жойлаштириш, кимдир чаққонлик билан фишт териш би-

лан банд. Яна бир гуруҳ қурувчилар тупроқ ва сув ташиётган, цемент қоришмаси тайёрлаётган ҳолатда елиб-югурмоқда.

Қурилиш штабида бемалол телефон хизмати ва интернетдан фойдаланиш ҳамда симсиз тармоқ — WiFiга улаиш имконияти яратилганини кўриб, саҳродаги бу янги имкониятдан ҳали кўпчилик баҳраманд бўлишини тасаввур қилдик. Эркин индустриал-иқтисодий зона истикболига қафолат берувчи бу хайрли қадамлар Юртбошимизнинг Ўзбекистон, албатта, энг ривожланган давлатлар қаторидан ўрин олишига бўлган ишончи албатта амалга ошишини исботлаб турибди.

Маруза ҲОСИЛОВА,

“Хабар”нинг

Навоий вилоятидаги мухбири

КАШҚАДАРЁ

Ҳисобот конференцияси

“Ўзбекистон почтаси” ОАЖ Кашқадарё, “Ўзбектелеком” АК “Кашқадарё Телеком” ҳамда “ЎИ-Карши” филиалларида тариф келишуви, жамоа шартномасининг бажарилиши бўйича 2009 йил якунларига бағишланган ҳисобот конференциялари бўлиб ўтди.

Мазкур корхоналар ва вилоят алоқа ходимлари билан алоқа қўшма муассисаси ўртасида тузилган жамоа шартномасининг бажарилиши юзасидан филиаллар директорлари С.Ҳафизов, Ж.Бозоров ҳамда Х.Қурбоновларнинг матбузлари тингладилар.

Филиалларнинг касба уюшмаси кўмиталари раислари ҳам фаолиятлари ҳақида тўхталиб, ечимини кутаётган муаммолар, ишчи-ҳодимларнинг манфаатларини ҳимоялаш, ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишда

қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг аҳамияти тўғрисида гапиришди.

Анжуманларда касба уюшмаси кўмиталари, раёсат, тафтиш комиссияси аъзолари ягона жамоа шартномаси, тариф келишувлари ҳақида ўзларининг фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Бўлиб ўтган конференциялар ишида Ўзбекистон алоқа ходимлари касба уюшмаси марказий кенгаши раиси Т.Тешабоев иштирок этиб, мамлакатимизда олиб



борилаётган иқтисодий ислохотлар ва унинг самараси, инсон ва унинг манфаатлари борасида қабул қилинган қонун ва ҳужжатларнинг моҳияти, давлатимиз раҳбарининг Вазирлар Маҳкамасининг йил якунлари бўйича ўтказилган йиғилишида сўзлаган нутқидан келиб чиқадиган вазифалар тўғрисида сўз юритди.

Республикаимизда фаолият олиб бораётган “Билайн” алоқа операторининг жанубий ҳудудий филиалида махсус имтиёзларга эга бўлган “Алло” тариф режасининг тақдимоти бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

“Алло” тариф режаси

Унда “Билайн” компанияси бугунги кунда 10дан ортиқ мамлакатлар бозорига муваффақиятли фаолият юритаётганлиги, ўтган йил компания учун интеграция йили шиори остида ўтган бўлса, 2010 йил ҳудудий ривожланишга қаратилиши ҳақида сўз борди.

Бугунги кунда “Билайн”нинг ноёб рақобат афзалликлари, янги хизмат турларининг такомиллашуви қаторида тақлиф этилаётган “Алло” тариф режаси соддалиги ва ҳаммабонлиги билан ажралиб туради. Бу “Сўм тариф режаси” бўлиб, абонентлар учун чикувчи кўнгиноқлар имтиёзли, “Билайн” абонентлари учун мулоқотнинг бир неча дақиқасидан кейин 1 дақиқа учун атиги 5 сўм ҳисобланади. Алоқанинг сифати, сўмли тарифлаш ва арзон нархлар миқдорларга манзур бўлиши шубҳасиз.

Электрон маъруза тақдими

Қарши давлат университетиде Ўзбекистон Экологик ҳаракати вилоят бўлими, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти вилоят ахборот-таҳлил маркази ташаббуси билан БМТ қўшидаги ЮНЕП (Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш дастури) жамғармаси, халқаро йирик корхоналар ҳомийлигида тайёрланган “Сайёрамиз билан учрашув” электрон маърузасининг тақдими ўтказилди. Тақдимот электрон маърузада ҳудудлар миқёсига чиқиб глобал аҳамият касб этган, сайёрамиз дардида айланган экологик муаммоларга эътибор қаратилиши билан аҳамиятли бўлди.

Талабаларнинг экологик муаммоларга эътиборини қаратиш, табиат ва инсон ўртасидаги мувозанатни сақлаб қолишда улар фаоллигини ошириш мақсадида ташкил этилган тақдимот маросимида дунё ахборот тармоғи орқали ер юзининг айрим жойларида содир бўлаётган иқлим ўзгаришлари, табиий офатлар, фавқулодда вазиятлар, касалликлардан оғоҳ этаётганлигига эътибор қаратишди.

Тақдимотда сўзга чиққан талаба ёшлар атроф-муҳит мусоффолигини таъминлаш, сақлашда масъул эканликларини тўғрисида ўз фикрларини билдирдилар.

Афтондил ИСМОИЛОВ,

“Хабар”нинг Кашқадарё вилоятидаги мухбири

СУРХОНДАРЁ

Ғазалхонлик кечаси

Алиб Собир Термизий номидаги Сурхондарё вилоят ахборот-кутубхона марказида буюк шоир ва мутафаккир, ўзбек адабиётининг асосчиси, давлат арбоби Алишер Навоий таваллудининг 569 йиллиги муносабати билан “Ғазал мулкнинг султони” мавзусида ғазалхонлик кечаси ўтказилди.

Кечада 15, 26-ўрта умумтаълим мактаблари ўқувчилари ҳамда Термиз педагогика коллежи талабалари иштирок этишди. Кечани ахборот-кутубхона марказининг етакчи кутубхоначиси Х.Исломкулов очиб, иштирокчиларга кутубхона ҳақидаги янгиликлар, янги олинган адабиётлар тўғрисида маълумотлар берди. Кечада шоирнинг ҳаёти ва ижоди кенг ёритилди ҳамда мактаб ўқувчилари шоир ғазалларидан парчалар, асарларидан саҳна кўринишлари ижро этишди.

Термиз педагогика коллежи ўқитувчиси Б.Имомалиева ҳам Навоийнинг ҳаёти ва ижоди, ғазаллари, рубойлари ҳақида сўзлади. Кечада АКМ директори Ш.Холиёров тадбир иштирокчиларига эсдалик совғалари тақдим этди.

Шунингдек, жорий йил 8 феврал куни Термиз гарнизони офицерлар уйи кутубхонаси, ахборот-кутубхона маркази, Термиз давлат университети, Термиз санъат коллежи, вилоят “Қамолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамкорлигида Алишер Навоий таваллудининг 569 йиллигига бағишлаб тантанали тадбир ўтказилди. Унда гарнизон уйи ҳарбий аскарлари, кутубхоначилар, талабалар иштирок этишди.

Д.САТТОРОВА,

Сурхондарё вилояти АКМ ахборот-библиография бўлими мудири

Ёркин сиймо

Бобур туюқлари

Ватанимиз тарихининг ёркин сиймоларидан бири Захириддин Мухаммад Бобур давлат, адабиёт ахлининг бирдек меҳр-мухаббатига сазовор бўлган шахсдир. Бошқачароқ айтганда, адолат, бунёдкорлик гоёларига содиқ қолган инсон.

Захириддин Мухаммад Бобур 1483 йил 14 февралда Андижонда туғилган бўлиб, у Амир Темурнинг бешинчи авлоди, Фарғона хукмдори Умаршайхнинг фарзандидир. Бобур 1494 йилда отасининг фожиали ҳалокатидан кейин тахтга ўтирганида 12 ёшда эди.

Бобур бутун фаолияти даврида бобокалони барпо этган салтанатни мустақкамлаш, гўзал шаҳарлар бунёд этиш умиди билан яшади.

Бу йил Захириддин Мухаммад Бобур таваллудига 527 йил тўлади. Бобур ижоди, унинг давлат арбоби сифатидаги фаолияти ва саркардалик маҳорати бугун ҳам дунё аҳлини лол қолдириб келмоқда.

Бобурнинг сиёсий-ҳуқуқий қарашлари унинг «Бобурнома» асарида ўз аксини топган бўлиб, унда узоқ муддат давомида юз

берган ижтимоий-сиёсий ва тарихий воқеалар хронологик тартибда баён қилинган ва шу билан бирга XV аср охири, XVI аср бошларидаги Ўрта Осиё, Хуросон, Афғонистон ва Ҳиндистонда юз берган ҳодисалар тасвирланган. Ўз асарида Бобур давлатни иккига бўлади: биринчиси, адолатли марказлашган давлат, иккинчиси, адолатсиз тарқоқ давлат. У албатта, адолатли марказлашган давлат тарафдори бўлган. Бобур давлат бошлиғи уч хусусиятга, яъни ҳамиша оддий бўлиши, меҳнаткаш халқ қаҳқида ўйлаши ва ғамхўрлик қилиши керак деб ҳисоблаган.

Бобурнинг ҳуқуқий қарашлари унинг «Мубаййин» асарида ўз ифодасини топгандир. У солиқларнинг адолатли даражада бўлишини ва улардан йўғиладиган маблағлар давлатнинг ва шу давлат аҳлининг раванқи учун хиз-

мат қилиши лозимлигини таъкидлаб ўтган.

Бобур шахси ва унинг ижоди бугунги ва келажак авлод учун ибрат манбаи десак, муболаға бўлмайди. Чунки у ўз ижоди билан адабиётимизга ўчмас саҳифалар қўшди, она тилимиз мақомини кўтаришда катта ишлар қилдики, бу унинг Навоийнинг издоши бўлганини тасдиқлайди. Қолаверса, Бобур икки мамлакат Ҳиндистон ва Мовароуннахрни ўзига хос ришталар билан боғлади.

Хулоса ўрнида шунини айтиш мумкинки, ҳозирги кунда асосий эътибор демократик-фуқаролик жамияти қуришга қаратилаётган экан, энг аввало, ўтмишга назар ташлашимиз лозимдир, чунки ушбу гоёларнинг дастлабки қуртлақлари айнан узоқ ўтмишга, хусусан Юсуф Хос Ҳожиб, Амир Темур, Бобур даврларига бориб тақалади. Президентимиз таъкидлаганидек, «Тарихий хотирасиз келажак йўқдир».

Ю.ҚАМБАРОВА,
Тошкент давлат юридик
институтини талабаси

То чиқарди хат узори покидин,
Гул юзи озурда бўлди покидин.
Истар эрди эл бурун юз меҳр ила,
Эмди ул юз меҳри кетти покидин.

То кўнгул бердим ўшал қойсориға,
Боргонини билмадим қой сориға.
Дўстлар, ёрға мени соғиндуринг,
Солсангиз ногаҳ қулоқ қойсориға.

Ишқ аҳли ишқ дардини танинг,
Кўп ёмондур, дарди ишқидин танинг.
Ҳар неча кўзум оч эрса, кўз тўёр
Гар очилса сиймдек нозик танинг.

Не бало бийиктурур давлат тоғи,
Кўҳи ғамни не билур давлат тоғи.
Ҳиммате тут, доғи давлат истагил,
Ҳимматинг бўлса, бўлур давлат тоғи.

Миллий бойлигимизни асрайлик

Моддий-маънавий бойликларни асраш, уларни турли зиёнлардан, жумладан, ёнгин офатларидан химоялаш, халқ хўжалигидаги барча ютуқларни асраш ва унинг таракқиётига ҳисса қўшиш ҳар бир ташкилот меҳнат жамоасининг, ҳар бир фуқаронинг муқаддас бурчи бўлмоғи керак.

Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси Ёнгин хавфсизлиги бошқармаси ва унинг туман бўлимлари ана шу бурчини чуқур ҳис этган ҳолда мунтазам равишда моддий бойликларни, аҳоли тураржойларини ёнгиндан муҳофаза этиш мақсадида турли тадбирларни ўтказиб келишяпти. Тадбирлар давомида ташкилот, корхона ва муассасаларда, кенг омма ўртасида ёнгин хавфсизлиги қойдалари тарғиб қилиняпти, фуқароларда ёнгинларнинг келиб чиқиш сабаблари ва омилларига нисбатан онгли муносабат уйғотиляпти, халқимиз меҳнати маҳсули — моддий бойликларни ёнгин офатларидан сақлаш юзасидан йўриқлар берилмоқда ва аҳоли яшаш жойларида хавфсизлик чораларини қўриш сингари қатор долзарб вазифаларнинг бажарилиши йўлида масъулият ошириляпти. Давлат ёнгин назорати органлари ходимларининг маҳалла фаоллари ва жойлардаги профилактика инспекторлари билан ҳамкорликда иш олиб боришлари бу тадбирларнинг самарали ўтиши-

ни таъминламоқда.

Ёнгинларнинг аксарияти аҳоли яшаш жойларида носоз ҳолдаги газ ва электр иситиш анжомларидан фойдаланиш, болаларнинг гугурт ва бошқа ёнгин чиқишига олиб келувчи жиҳозларни ўйнаши ҳамда оловдан эҳтиёсизлик билан фойдаланиш оқибатида юз бераётган бўлса, халқ хўжалиги масканлари биноларида ёнгинга қарши таклиф ва талабларни бажармаслик, битта электр улагичга бир нечта кучли қувватли электр жиҳозларини улаш натижасида қисқа тугашувлар содир бўлиб, ёнгинлар юзга келмоқда. Бундан ташқари, ҳозирда хоризда ишлаб чиқарилган турли газ ва электр иситиш печларидан фойдаланиш одат тусига кириб қолганки, уларнинг чиройли ишланганлиги, бежиримлиги фуқароларимиз эътиборини ўзига тортмоқда, оқибатда улар ушбу печларни катта маблағ эвазига сотиб олиб, ўзларини, қолаверса, оила аъзолари ҳаётини хавф остига қолдирмоқдалар.

Рақамларга мурожаат қиладиган бўлсак, 2009 йил давомида Тошкент шаҳрида 1824та ёнгин содир бўлиб, зарар миқдори 560587682 сўмни ташкил қилган. Ушбу вақт мобайнида фуқаролар тан жароҳати олиши 52тани, ёнгин оқибатида ҳалок бўлганлар сони 39тани ташкил этади.

Ходимлар томонидан жойларда ўтказилаётган режали текширувлар ва мониторинг ўрғанишлар жараёнида тадбиркорлик субъектларида ёнгинга қарши ҳолат бўйича аниқланган камчиликларнинг амалий ёрдам кўрсатиш тартиқсида бартараф этилишига эришилмоқда.

У.РАЗЗОҚОВ,
Ёнгин хавфсизлиги бўлими 12-ХЕХО
12-ХЕХ алоҳида пост бошлиғи, капитан

Табриклаймиз!

«Фарғона Телеком» филиали жамоаси телеграфчи Галина СОСНИАни 54 ёши муносабати билан самимий табриклайди. Унга мустақкам саломатлик, узоқ умр, фарзандлар фарогатини қўриб яшашликни тилайди.

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ Фарғона филиали жамоаси Яйпан почта алоқаси тармоғи алоқа бўлими бошлиғи Исроимжон САИДОВни 60 ёши, Тошлоқ почта алоқаси тармоғи ходими Соибжон МАМАТОВни 50 ёши билан чин дилдан кутлаб, уларга сўхат-саломатлик, узоқ умр, фарзандлар роҳатини қўришликни тилайди.

Саидо Насифий номидаги Қашқадарё вилоят ахборот-кутубхона маркази жамоаси ҳамда қасаба уюшмаси кўмитаси умумий бўлим мудири Марсия УМИРОВАни 50 ёши билан табриклайди. Унга узоқ умр, сўхат-саломатлик тилайди.

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ

Маълум қиладики, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 ноябрдаги 458-қарори билан тасдиқланган «Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тўғрисида низоом»нинг 49-бандига асосан:

«GLOBAL EXIM» масъулияти чекланган жамиятнинг (Тошкент вилояти) аризасига мувофиқ маҳаллий телекоммуникация тармоқларини лойиҳалаш, қуриш ва фойдаланиш (техник хизмат кўрсатиш) бўйича фаолиятга берилган АА серияли 0002555 рақамли лицензиянинг амал қилиши 2010 йил 3 февралдан;

«TELEKOM SERVIS» масъулияти чекланган жамиятнинг (Тошкент ш.) аризасига мувофиқ маҳаллий телекоммуникация тармоқларини қуриш бўйича фаолиятга берилган АА серияли 0002769 рақамли;

«O'ZALOQAKONSALTING» масъулияти чекланган жамиятнинг (Тошкент ш.) аризасига мувофиқ:

- кўчма радиотелефон (мобил) алоқа тармоқларини қуриш бўйича фаолиятга берилган АА серияли 0002321 рақамли;

- шаҳарлараро телекоммуникация тармоқларини лойиҳалаш бўйича фаолиятга берилган АА серияли 0001875 рақамли лицензияларнинг амал қилиши 2010 йил 5 февралдан тугатилди.

ЭЪЛОН!

Тошкент ахборот технологиялари университети куйидаги лавозимларга танлов эълон қилади.



Кафедра мудири:

Ўзбекистон тарихи — 1; Фалсафа — 1; Алоқа қурилмалари электр таъминоти — 1; Телекоммуникация тармоқлари ва коммутация тизимлари — 1; Телекоммуникация узатиш тизимлари — 1; Олий математика — 1.

Ассистент (ўқитувчи)лар:

Информатика ва компютер графикаси — 1; Электроника — 1; Телекоммуникация узатиш тизимлари — 1.

Аризалар эълон чоп этилган кундан бошлаб бир ой ичида қабул қилинади. Танловда кўрсатилган лавозимлар бўйича профессорлар, фан докторлари, доцентлар, фан номзодлари ва соҳанинг етук мутахассислари қатнашишлари мумкин.

Манзил: Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 108-уй. Тел: 238-64-06.

ФУТБОЛ

ЖЧЧ-2010 МАЙДОНИДА
ЎЗИМИЗНИНГ ХАКАМ!



Мазкур ҳафтада Жанубий Африка Республикасида ўтадиган Жаҳон чемпионати ўйинларини бошқарувчи ҳакамлар бригадалари тасдиқланди. Унга кўра, 28та давлатдан 30 нафар бош ҳакам жами 64та учрашувни бошқаришади.

Энг қувонарлиси, ана шу 30та ҳакамлар триоси орасида ҳамюртимиз Равшан Эрматов гуруҳи ҳам бор! Гуруҳга ён ҳакамлар — ҳамюртимиз Рафъаз Илёсов ва қирғизистонлик Баҳодир Қўчқоровлар ҳам киритилган.

ВИЛОЯТ ЛИГАСИ
ТУЗИЛДИ

Мамлакатимизда биринчи бўлиб Қашқадарё вилояти футбол лигаси ташкил этилди.

Аввалдан мавжуд бўлган 2-лига мусобақаларини ўтказишда жойларда муаммолар келиб чиққани, натижада турнир савиясига пўтур етгани боис ушбу мусобақаларни ҳам замонавий тарзда ташкиллаштириш, жойларда футбол жамоаларини моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш ҳамда керакли шарт-шароитларни яратиш мақсадида бу ишга қўл урилди.

Иккинчи лига баҳсларида ҳар бир тумандан камидан биттадан жамоа қатнашади.

ПРОФИ-БОКС

Темур
ракибини
нокаутга
учратди

6 феврал куни Москва шаҳрида ҳамюртимиз Темур Иброҳимов (27-2-1, 15 КО) ва танзаниялик Авада Тамим (11-2-0, 6 КО) ўртасида IBA Intercontinental титули учун жанг бўлиб ўтди. Баҳснинг учинчи раундида Темур ракибини икки бор нокаутга учратди. Танзаниялик боксчининг муносиб қаршилиқ кўрсата олмаётганини кўрган рефери жангни тўхтатди.

ОЛИМПИАДА-2010

Ўзбекистон делегацияси
Ванкуверга етиб борди

Ўзбекистон терма жамоаси делегацияси Ванкуверда ўтадиган Қишки Олимпия ўйинларида иштирок этиш учун жўнаб кетди. Қарийб 80га яқин мамлакат спортчилари иштирок этадиган мазкур Олимпиадада юртимиз шарафини уч нафар спортчимиз — тоғ чанғичилари Ксения Григорьева ва Олег Шамаев ҳамда фигурали учаш бўйича Анастасия Гимазетдиновалар ҳимоя қилишади.

Эслатиб ўтамиз, Олимпиада баҳсларига эртага старт берилади.

ПЕНЧАК-СИЛАТ

Чемпионат якунланди

Самарқанд шаҳрида пенчак-силат бўйича ўтказилган Ўзбекистон очик чемпионатида юртимиз вакиллари билан бир қаторда Қирғизистон ва Озарбайжондан келган жами 230 нафар спортчи куч синашди.

Иккинчи бор ташкил этилган чемпионатда умумжамоа ҳисобида самарқандликлар биринчи, пойтахтликлар иккинчи ва озарбайжонликлар учинчи ўринни эгаллади.

ДЗЮДО

Дзюдочиларимиз нуфузли
турнир шохсупасида

Париж шаҳрида дзюдо бўйича ўтказилган “Катта дубулга” туркумига кирувчи халқаро турнирда дунёнинг ўттизга яқин мамлакатидан спортчилар 2012 йили Лондонда бўладиган XXX ёзги Олимпиада ўйинларида қатнашиш ҳуқуқини берадиган рейтинг очколари учун ўзаро куч синашди.

Ришод Собиров ва Дилшод Чориев турнирда кумуш медал ва муҳим рейтинг очколарини қўлга киритди.

Улуғбек Норқобилов эса 66 килограмм вазн тоифасида кучли бешликдан жой олди.

ОТ СПОРТИ

Чавандозлар беллашуви

Наманган шаҳридаги “Отчопар” спорт мажмуасида кўпқари бўйича “Олтин водий” республика очик биринчилиги бўлиб ўтди.

Мусобақада Тошкент шаҳри, Наманган, Тошкент, Андижон, Фарғона, Сурхондарё, Жиззах вилоятлари чавандозлари ўзаро беллашди. Қизгин кечган баҳслар якунига кўра, пойтахт вилояти жамоаси мусобақа ғолиби бўлди. Иккинчи ўрин Наманган, учинчи ўрин Андижон вилояти жамоаларига насиб этди.

ЖАҲОН СПОРТИ

Евро-2012 саралаш
турнирига куръа ташланди

ЕВРО-2012 саралаш гуруҳларига куръа ташлаш маросими бўлиб ўтди.

A гуруҳи: Германия, Туркия, Австрия, Бельгия, Қозоғистон, Озарбайжон.

B гуруҳи: Россия, Словакия, Ирландия, Македония, Арманистон, Андорра.

C гуруҳи: Италия, Сербия, Шимолий Ирландия, Словения, Эстония, Фарер о.

D гуруҳи: Франция, Руминия, Босния, Беларус, Албания, Люксембург.

E гуруҳи: Голландия, Швеция, Финляндия, Венгрия, Молдавия, Сан-Марино.

F гуруҳи: Хорватия, Греция, Исроил, Латвия, Грузия, Малта.

G гуруҳи: Англия, Швейцария, Болгария, Уэльс, Черногория.

H гуруҳи: Португалия, Дания, Норвегия, Кипр, Исландия.

I гуруҳи: Испания, Чехия, Шотландия, Литва, Лихтенштейн.

Рой Жонс ва
Бернард Хопкинс
реванши

Шу йилнинг 3 апрел куни жаҳоннинг собиқ энг кучли боксчилари — Рой Жонс ва Бернард Хопкинс матч-реванши ўтказилади. Ушбу баҳс профессионал бокс ихлосмандларида катта қизиқиш уйғотмоқда.



Ўтганларнинг охириати обод бўлсин

“Фарғона Телеком” филиали жамоаси му-
тахассис

Анатолий АЛЕХНИННИНГ

вафоти муносабати билан марҳумнинг яқинла-
рига чуқур таъзия изҳор этади.

“Ўзбекистон почтаси” ОАЖ Тошкент филиали жамоаси фили-
алнинг Оққўрғон почта алоқаси тармоғига қарашли “Зафар” алоқа
бўлими бошлиғи

Одил РАЖАПОВНИНГ

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари таъзия билдиради.

МУАССИС:

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА
АХБОРОТЛАШТИРИШ
АГЕНТЛИГИ

Бош муҳаррир:
Абдусайд КҮЧИМОВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ

(Бош муҳаррир ўринбосари)

Бахтиёр КУБЕЕВ

Шомавсур ОБИДХҲҲАЕВ

Миродил САНГИЛОВ

Шухрат СОДИҚОВ

Лутфилло ТУРСУНОВ

(масъул котиб)

Асаджон ХҲҲАЕВ

Рустам ҚОСИМОВ

Содиқжон ҚОСИМОВ

Газета

Ўзбекистон матбуот ва ахборот
агентлиги томонидан 0016 рақами
билан 2006 йил 6 декабрда
руйхатга олинган.

Жума куни чиқади

МАНЗИЛИМИЗ:

100060, Тошкент-60,
Т. Шевченко кўчаси, 17-уй.
Тел.: 233-36-48; 236-35-29.
Факс: 236-36-42.
E-mail: info@xabar.uz

Тахририятга келган қўлёзма ва
суратлар эгаларига қайтарилмайди.
Муаллифларнинг фикрлари
тахририят фикридан фарқлангани
мумкин.

Нашримиздан кўчириб босил-
ганда “Xabar” дан олинганлиги
кўрсатилиши шарт.

Тижорий материал — 0
Реклама матиларининг тўғрили-
ги тахририят жавобгар эмас.

Рақам ва далилларнинг
ҳаққонийлиги учун мақола
муаллифи масъулдир.

Газетани тайёрлашда интернет
материалларидан ҳам фойдаланилади.

“Шарқ” нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
босмахонасида chop этилди.
Манзил: Тошкент шаҳри,
“Буюк Турон” кўчаси, 41-уй.

G-102 сонли буюртма.
Оффсет усулида босилди.
Қоғоз бичими А-3, ҳажми
4 босма табоқ.
Алади: 18897 нуска.

Баҳоси келишган нархда.
Обуна индекси — 228.

Газета тахририят компютер
базасида терилди ва саҳифаланди.

Дизайнер: Асиддин БҲҲРИЕВ.
Навбатчи: Лутфилло ТУРСУНОВ.

ISSN 2010-6424

Босишга топширилди — 20.00.
Босишга топширилиш вақти — 20.00.

1 3 4 5



Дам олики саҳифаси



Кадрли газетхон! Сизларнинг таклиф ва истаklarингизни инобатта олган ҳолда газетамизнинг бугунги сонидан бошлаб "Дам олиш саҳифаси"ни бериб боришга қарор қилдик. Ушбу саҳифа чарчаган пайтингизда Сизга хушқайфият бағишлайди, деган умиддамиз.

➔ BILIMINGIZNI SINAB KO'RING

Саволимиз бор, жавоб кутамиз

Мобил телефонлари узоғимизни яқин, мушкулларимизни осон қилувчи восита сифатида ҳаётимизнинг бир бўлагига айланди.

Бугунги мобил компаниялар ўртасида ҳақиқий рақобат юзага келганлиги боис, аҳолига тақдим этилаётган тарифлар сони кундан-кунга кўпайиб бормоқда. Сиз юртимизда биринчи бўлиб қайси мобил компанияси фаолият бошлаганини биласизми?

Агар билсангиз, бизга ёзиб юборинг. Тўғри жавоб йўлаганларнинг исми-шарифи кейинги сонларда эълон қилинади. Ўқитиборингиз учун олдиндан миннатдорчилик билдирамыз.



➔ RIVOYAT

да ҳам сизларга Зарурат ёрдам беради.

Ўғиллар отни аравага қўшиб, тоққа кетишибди. У томондан бу томонга чопиб юриб, анча ўтин тўплашибди ва аравага ортиб, мамнун уйга қайтишибди.

Йўлда ногаҳон арава-нинг битта гилдираги чиқиб кетибди. Шунда ўғиллар нима қилишни билмай, довдираб қолишибди.

— Отам Зарурат ёрдам беради, — деган дебди катта ўғил. — Озроқ кутайлик, у келиб қолар. Отам бир нимани

билмаса, гапирмайди-ку!

Болалар узоқ кутишибди. Кун кеч бўла бошлабди ҳамки ҳеч ким келмабди. Шунда кичик ўғил акаларига дебди.

— Келинлар, ўзимиз тузатишга ҳаракат қилиб кўрайлик. Отамнинг-арава тузатганларини кўрганман.

Шундай қилиб ўчовлон анча уриниб, гилдиракни жойига қўйишибди.

Ўтин тўла арава билан кириб келган ўғилларини кўриб ота хурсанд бўлиб кетибди. Ўғиллар йўлда бўлган воқеани айтиб, Зарурат келмаганидан хафа бўлишибди.

— Зарурат доимо сиз билан бирга, — дебди ота. — У сизнинг эҳтиёжингиз. Ҳар қанақа ҳолатда ҳам ўз эҳтиёжингизни ўзингиз қондиришга ҳаракат қилсангиз, хор бўлмайсиз.

Зарурат ёрдам беради

Оилада уч ўғил беғам ва беташвиш вояга етишар, ота-она уларнинг соғлом ўсиш-ларига имкон яратиш мақсадида оғир ишларга солмас экан. Онанинг тежамкорлиги туфайли отанинг тоғдан йиғиб, аравада олиб келиб сотадиган ўтинлари пули рўзгорга бемалол етиб тураркан.

Бир кунни аравада ҳаёл суриб бораётганда отанинг миясига бир фикр келибди.

— Ҳар кунни хавф-хатарга тўла йўлларда юраман. Бирор қор-қол

юз бермаслигига ҳеч ким кафолат бера олмайди-ку. Мабоодо шундай бўлиб қолса ўғилларим нима қилишади? Рўзгорнинг оғир юкини ким зиммасига олади, — дебди ота ўзига-ўзи ва ўйлай-ўйлай бир қарорга келибди.

Эртасига ўғилларини чақириб дебди:

— Болажонларим, мана анча катта бўлиб қолдинглар. Бугун ўрнимга тоққа ўчовингиз борсангиз яхши бўларди. Менинг нимагадир тобим қочиб турибди.

— Отажон, биз қасрдан ўтин теришни билмаймиз-ку! — дебди катта ўғил.

— Мабоодо, аравамиз бузилиб қолса ким бизга ёрдам беради, — дейишибди кичик ўғиллар.

— Ҳеч нимадан кўрқманглар, йўлга отланинг, — дебди ота. — Ҳар қандай ҳолат-

Янги ҳодиса



"Телеком"га янги ҳодим ишга келди. Купи билан ишлагач, кетиш олдиндан ҳамкасбига мурожаат қилляпти:

— Мен бу ерда ҳали ҳеч кимни танимаيمان. Айтолмайсизми, ойлик маошимни ошириш бўйича кимга учрашишим керак?

Саёҳатда

Тоғ чўққисига кўтарилаётган сайёҳларга йўлбошловчи деди:

— Олдимизда жуда хавфли жарлик бор. Мабоодо йиқилиб кетсангиз, ўнг томондаги тенги йўқ гўзалликка бир лаҳза қараб қўйишни унутманг.



БИР ПАС ДАМ ОЛАЙЛИК — бу бизнинг изоҳ. Сиз қандай изоҳлайсиз?

➔ BILASIZMI?

✓ Энг иссиқ жой Африканинг Тароблис шаҳри яқинидаги Азияя қишлоғи бўлиб, соядаги ҳаво ҳарорати 58 даража иссиқ бўлади.

✓ Ер юзидagi энг баланд чўққи Ҳимолай тоғ тизмаларидаги Жамолунгма чўққисидир. Унинг баландлиги 8848 метр.

✓ Инсон гапирётганида бир дақиқада ўрта ҳисобда 125-160та сўз айтади. Лекин шунча сўзни ўйлаб олиш учун 20 сония кифоя қилади.

➔ BU — QIZIQ

Кулупнай тусли қисқичбақа

Тайваннинг Океанология миллий университети профессори Хо Пинг-хо шу пайтгача фанга номлашум бўлган янги турдаги денгиз қисқичбақасини кашф қилди. Янги топишган жониворга шартли равишда "Кулупнай тусли қисқичбақа" деб ном беришди. Бунга сабаб, қип-қизил рангдagi қисқичбақанинг гарқ пиццан кулупнайга жуда ўхшашлигидир. Соҳанинг нуфузли мутахассислари, дарҳақиқат бу турдаги қисқичбақа шу кунгача ҳеч қасрда учрамаганини расман эътироф этишди.

Айни кунда узунлиги бор-йўғи 2,5 сантиметр келадиган бу ўзига хос жониворнинг иккитаси мутахассис-олимлар томонидан ўрганилмоқда.

Дунёда қисқичбақасимонларнинг 50 мингдан ортиқ тури мавжуд. Эндиликда бу рақам яна биттага кўпайди.

➔ XALQ TABOVATI

Кексайишни истамасангиз...

Кексайишнинг олдини олмоқчи бўлсангиз, қуйидаги осон тайёрланувчи малҳам ёрдам беради: саримсоқнинг бир бўлагини яхшилаб эзгилаб, 1 ошқошиқ зиғир ёғи билан аралаштиринг ва ейиш осон бўлиши учун петрушка кўкати билан истеъмол қилинг. Бундай малҳам томирларингиз эластиклигини оширади ва атеросклерознинг олдини олади.

Ҳурматли газетхон! Янги саҳифа билан танишдингиз. Дам олиш саҳифамиз янада қизиқарли, мазмунли чиқишида сизларнинг ёрдамингизга таянамыз.

Ҳаётингизда, иш фаолиятингизда содир бўлган кулгил ҳолатлар, ибратли воқеалар бўлса, бизга ёзиб юборинг. Мақтубингизни кутамиз.